

ХФР

1918-йил
21-iyundan chiqqan
boshlagan

№24, 2022-йил 15-iyun,
chorshanba (32.718)

Ўзбекистон ОҶОҶИ

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g'amxo'rlik – davlatning burchi



ЎЗБЕКИСТОН – ШХТ: САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Бу йил Ўзбекистон Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига раислик қилмоқда. Айни пайт бутун диққат-эътибор жорий йил 15-16 сентябрь кунлари бўлиб ўтадиган ШХТга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилишига қаратилган.

Самарқанд саммитига тайёргарлик кўриш, анжуманни мазмунан бойитиш, кун тартибини белгилаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бўлажак олий даражадаги йиғин доирасида имзоланиши режалаштирилган ҳужжатлар келишилмоқда.

Таъкидлаш керак, мамлакатимизнинг ШХТга раислиги доирасида шу кунгача 50 га яқин тadbир муваффақиятли ўтказилди. Ўзбекистон ташаббуси билан илгари сурилаётган ва самарали амалга оширилаётган ҳамкорликнинг кўллаб янги йўналишлари Ташкилот кун тартибини замонавий воқелиқдан келиб чиққан ҳолда бойитишга хизмат қилмоқда.

Давоми 2-бетда. ▶

ХАЛҚИМИЗ КУТГАН ВА ҚЎЛЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР



Бугунги Конституциявий ислохотлар жараёнида фуқаролар Янги Ўзбекистонни, ижтимоий демократик давлатни бунёд этишдек стратегик масалаларни муҳокама қилиб, фикр ва таклифларини ҳам билдирмоқда. Яъни, қисқа даврда мурожаатларни ўрганишдан бошланган ислохотлар давлат ва жамият бошқарувини узоқ истиқболга мўлжаллаб такомиллаштириш даражасига кўтарилди. Бу, шубҳасиз, мамлакатимизда кейинги йилларда ижтимоий йўналтирилган ислохотлар изчил юритилганининг натижасидир.

2



ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ТАРМОҶИ КЕНГАЯДИ

✓ Ер усти метросининг иккинчи босқичи доирасида бешта бекатни шу йил якунида ва қолган иккитасини келгуси йил Наврўзда ишга тушириш мўлжалланган. Бу орқали 62 та маҳалладаги 250 мингга яқин аҳоли метрополитен билан қамраб олинади. Метрополитен учун 14 та янги поезд олиб келинади.

✓ Тошкентда жамоат транспорти етиб бормаган 26 та маҳаллага автобус йўналишлари очилиб, метро билан боғланади. Бунинг учун қўшимча электробуслар харид қилинади.

✓ Ҳисоб-китобларга кўра, Тошкент вилоятидан пойтахтимизга кунига 1 миллиондан зиёд йўловчи кириб келади.

✓ Замонавий электропоездлар келтириб, "Тошкент – Хожикент", "Тошкент – Бекобод" ва "Тошкент – Ангрен" йўналишида тезюрар қатнов йўлга қўйилади.

ТУЯНИНГ УСТИДА КИМ?

6 САҲИФА



ОНЛАЙН ҲАҚОРАТ УЧУН ЖАЗО

5 САҲИФА

ХИРМОН ДОНГА, ДАСТУРХОН НОНГА ТЎЛАДИ



Суратда: жорий йил ҳосили учун Самарқанд вилоятининг Тойлоқ туманида 4375 гектар майдонда ғалла парваришланди. Айни пайтда далаларда йил давомидаги меҳнат маҳсули сифатида етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олиш ишлари қизгин давом этмоқда.

ЎЗА.

SIYOSAT

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

ХАЛҚИМИЗ КУТГАН ВА ҚЎЛЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР



Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси раҳбари, Конституциявий комиссия аъзоси:

— Конституциямизга таклиф-мулоҳазалар билдириш жараёни кизгин давом этаётганини кузатиб, янги даврдаги ислохотлар натижасида халқ билан давлат ўртасида мулоқотнинг янги даражаси вужудга келганини ишонч билан таъкидлаш мумкин.

Давтлаб фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш, ўрганиб, ҳал этиш чораларини кўриш вазифаси қўйилди, кейинчалик мурожаатларни нафақат ўрганиш, балки фуқароларнинг уйига бориб ҳаёт тарзини ўзгартириш мақсади белгиланди.

Бугунги Конституциявий ислохотлар жараёнида фуқаролар Янги Ўзбекистонни, ижтимоий демократик давлатни бунёд этишдек стратегик масалаларни муҳокама қилиб, фикр ва таклифларини ҳам билдирмоқда. Яъни, қисқа даврда мурожаатларни ўрганишдан бошланган ислохотлар давлат ва жамият бошқарувини узоқ истиқболга мўлжаллаб такомиллаштириш даражасига кўтарилди. Бу, шубҳасиз, мамлакатимизда кейинги йилларда ижтимоий йўналтирилган ислохотлар изчил юритилганининг натижасидир.

Конституциявий комиссиянинг 10 июнь куни бўлиб ўтган йиғилишида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан фуқаролар давлат ва жамият бошқарувини такомиллаштириш, инсоннинг фундаментал ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш бўйича билдирган таклифларини эшитиб, тўғриси, жуда қувондим. Ватанимиз равнақи, халқимиз келажиги билан боғлиқ масалаларда ижтимоий бирдамлик туйғуси кучли экани кўн-

гилни кўтаради, кучга куч, ишончга ишонч кўшади.

Асосий қонунишни такомиллаштириш бўйича Конституциявий комиссияда муҳокама этилаётган устувор йўналишлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ижтимоий адолат, ижтимоий тенглик ва демократия мезонларига таянадиган ижтимоий демократик давлат барпо этиш ҳақидаги асосий дастурий мақсадига тўлиқ мос келади. Бу партиямиз аъзолари ва фаолларини конституциявий ислохотларни амалга оширишда янада фаол иштирок этишга ундамоқда.

Шу мақсадда Марказий Кенгаши-мизда 15 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар партия кенгашларининг ҳар бирида жами бўлиб 70 нафардан иборат ишчи гуруҳлар жойлардан келиб тушаётган таклифларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, Конституциявий комиссияга етказиш бўйича фаол иш олиб бормоқда.

1500 нафардан ортиқ маҳаллий Кенгаш депутатлари, 10 мингга яқин бошланғич партия ташкилотлари, фаоллар ва фахрийларимиз мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Конституциявий ислохотларда фаол қатнашишга бағишланган турли тарғибот тадбирларини ўтказмоқда, таклифлар олинмоқда.

Учрашувлар кизгин, муҳокама-

ларга бой тарзда ўтапти. Ҳудудлардан мамлакатимиздаги туб ислохотлар ва партияимизнинг сиёсий позициясига ҳамоҳанг бўлган кўплаб таклифлар келмоқда.

Масалан, Қашаги туман Кенгаши депутати Тамара Чориева Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар, дейилган 18-моддага "имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиши"ни қўшимча сифатида киритиш таклифини жўнатган.

Депутат, шунингдек, "ҳеч кимга жинси, келиб чиқиши, ирқи, тили, туғилган жойи ва қариндошлиги, диний ёки сиёсий эътиқодига кўра устунлик берилиши ёки зиён етказилиши мумкин эмас"лигини ҳам таклиф қилган.

Китоб туман Кенгаши депутати Зилола Норова 24-моддага "инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устундир", деган қўшимчани киритишни таклиф этган.

Наманган туман Кенгаши депутати Умиджон Солиев 39-моддага "давлат фуқароларнинг ҳаёт учун минимал эҳтиёжларини қондиришига шароит яратадиган", мазмунида меъёрни қўшишни сўраган.

Марғилон шаҳридан фуқаро

Муҳаммаджон Мирзаев оила ҳақидаги 63-моддада "оиланинг мустақамлигига эркак ва аёл маъсул" эканини белгилаш бўйича мурожаат юборган.

Яккабоғ туман Кенгаши депутати Замира Шукурова 64-моддадаги давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаш ҳақидаги меъёрга оила ажралиб кетган ҳолатда вояга етмаган фарзандлар манфаатларини ҳимоя қиладиган банд қўшимча қилиниши керак, деган таклифни жўнатган.

Узимимиз ҳам ҳудудларда халқимиз вакиллари билан юзма-юз учрашувлар ўтказиб, муносабат ҳамда таклифларни ўрганиш имкониятига эга бўляммиз. Сирдарё вилоятида 2 та очик мулоқот ўтказдик.

Тиббиёт вакиллари билан ўтказилган мулоқотда Конституция-мизнинг 40-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари малакали тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эгаллиги белгилангани қайд этилиб, мана шу устувор ҳуқуқнинг кафолатини мустақамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси фуқароларига давлат томонидан кафолатланган ҳажмда бепул тиббий ёрдам кўрсатилиши ҳақидаги меъёрни қўшимча сифатида киритиш таклифи билдирилди.

Шунингдек, давлат соғлиқни сақлаш тизими ташкилотлари ва хусусий тиббиёт муассасаларида пулли тиббий ёрдам қонун асосида тартибда амалга оширилишини белгилаш ҳақида ҳам таклифлар илгари сурилди.

Фан, таълим ва маданият соҳалари вакиллари билан ўтган мулоқотда эса Конституцияимизнинг 63-моддасига ўзгартириш киритиш бўйича таклиф берилди. Мазкур модданинг иккинчи қисмидаги "ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар", деган меъёрни "ота-оналар ўз фарзандлари вояга етгунига қадар уларнинг ҳаётини эҳтиёжларини таъминлашга, таълим-тарбия олиши ва саломатлигини асрашга мажбурдирлар" мазмунида баён этиш таклиф қилинди.

Барча ҳудудлардаги, турли даражадаги учрашув ва очик мулоқотларда, бошланғич ташкилотлар, депутатлар, маҳаллалардаги фаолларимизга 1300 дан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар келиб тушган. Таклиф ва мулоҳазалар партияимиздаги ишчи гуруҳлар томонидан мунтазам ўрганилмоқда.

Умуман, учта йўналишда хулоса қилиб, шунини айтиш керакки, биринчидан, мамлакатимизнинг барча ҳудудлари бўйлаб ўтказилаётган учрашувлар, жонли мулоқотлардаги таклиф ва мулоҳазалардан, асосийси, халқимизнинг кайфиятидан яққол билинаптики, Конституциявий ислохотлар айнан керак пайтда амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистон ғоясини рўйга чиқариш тарихий зарурат экани айтилмоқда.

Иккинчидан, учрашувларда Ҳаракатлар стратегияси асосида амалга оширилган, Тараққиёт стратегияси асосида давлат ва жамиятнинг барча соҳаларини қамраб олган ислохотлар халқимизни рози қилаётгани ва бардавом бўлиши зарурлигини таъкидлашмоқда.

Учинчидан, Конституциявий ислохотлар жараёнидаги ташкилий ишлар очиклик, эркинлик тамойилларига қатъий амал қилинган ҳолда олиб борилаётгани жамиятнинг барча қатлам вакиллари фикр, мулоҳаза ва таклифларини бевосита билдиришига шароит ҳамда кенг имконият яратмоқда. Албатта, бу борада Конституциявий комиссия фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўляпти.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси халқимиз, электрот вакиллари билан келиб тушаётган таклифлар Конституцияимизда акс этиши, ижтимоий давлат ғоясининг асослари Бош қомусимизда мустақам бўлиши учун сай-ҳаракатларини давом эттиради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ БЎЙИЧА КЕЛИБ ТУШГАН ТАКЛИФЛАР СТАТИСТИКАСИ

11.06.2022 йил

Умумий таклифлар
20148

Сайт орқали 6798

Телеграм боти орқали 3807


Колл-маркази орқали 2067

Халқ депутатлари
Кенгашлари орқали 834

Электрон почта орқали 2258

Маҳалла фуқаролар
йиғинлари орқали 2395Фуқароларнинг бевосита
қабули орқали 1712

Жамоавий таклифлар 277



15 ИЮНЬ – ШҲТ ТАШКИЛ ТОПГАН КҮН

ЎЗБЕКИСТОН – ШҲТ: САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Хусусан, ШҲТга аъзо давлатлар ахборот-коммуникация технологиялари, камбағалликни қисқартириш масаласи ва ўсимликлар карантини бўйича масъул идоралари раҳбарларининг илк йиғилишлари айнан юртимизда ташкил этилди. Бундан ташқари, Ёшлар кенгашининг 15-йиғилиши, атроф-муҳит масаласи бўйича масъул идоралар раҳбарлари, соғлиқни сақлаш вазирларининг навбатдаги учрашувлари, «ШҲТ мамлакатлари аънавий халқ табобатининг замонавий соғлиқни сақлаш тизимларига интеграцияси»га бағишланган ШҲТ аънавий тиббиёт анжумани, Хавфсизлик кенгаши котибларининг навбатдаги мажлисига тайёргарлик кўриш бўйича экспертлар йиғилиши бўлиб ўтди.

Ушбу анжуманларда барқарор ривожланиш учун хавф туғдираётган хатар, таҳдидларга қарши курашишда Ташкилот салоҳиятини кучайтириш, «Шанхай руҳи» тамойили асосида кўп томонлама ҳамкорликни чўқурлаштириш зарурлиги бир овоздан маъқулланди.

Келгусида транспорт соҳасида ўзаро боғлиқлик, "яшил" энергетика, инновациялар, рақамли иқтисодиёт, саноат кооперацияси борасидаги қўшма лойиҳаларни фаол илгари суришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Май ойида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизга ташриф буюрган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Бош котиби Чжан Минни қабул қилди. ШҲТ доирасида амалий

ҳамкорликни янада кенгайтириш ва минтақавий шерикликни мустақамлаш, шунингдек, Ўзбекистон раислигидаги тадбирларга пухта тайёргарлик кўриш масалалари кўриб чиқилди.

Бош котиб Ўзбекистонни ШҲТнинг энг фаол иштирокчиларидан бири сифатида эътироф этди. «Президент Шавкат Мирзиёевнинг Янги Ўзбекистон ҳақидаги концептуал ғоялари акс этган ШҲТнинг янги, ажойиб шаҳри бунёд этилмоқда. Самарқанд саммити ташкилотимиз тарихида муҳим воқеа бўлиб қолади», дея таъкидлади.

Мамлакатимиз 2001 йил Ташкилотга асос солинишида муҳим роль ўйнади, тузилманинг ривожланиши ва муваффақиятли фаолият кўрсатишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. ШҲТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси қароғоҳи Тошкентда жойлашган.

Ўзбекистон ШҲТ халқ дипломатияси шаклланиши ва ривожланишининг ташаббускори ҳисобланади. 2019 йил январь ойидан бери Тошкентда фаолият юритаётган ШҲТ Халқ дипломатияси маркази ишончли ва яхши қўшимчиликни, миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатликни мустақамлаш, цивилизациялараро мулоқотни ривожлантириш йўлида изчил фаолият юритмоқда.

Бир сўз билан айтганда, роппа-роса 21 йил аввал бошланган Ўзбекистон ва ШҲТ ўртасидаги самарали ҳамкорлик бундан кейин ҳам барқарор тараққиётга хизмат қилаверади.

Аброр ҒУЛОМОВ,
ЎЗА.

«Давоми, бошланғич 1-бетда».

Ўзбекистон ХДП ҲАЁТИДАН

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Қорақалпоғистон Республика кенгаши томонидан КеҒейли туманидаги Нурунийлар масканда "Менинг Конституциям" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия фаоллари, туман Кенгаши депутатлари, нурунийлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Бош қомусимизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар беришда нурунийлар, хотин-қизлар ва ёшлар фаол бўлиши лозимлигини таъкидлашди. Мулоқот давомида тадбир иштирокчилари томонидан бир қатор таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Хусусан, Конституцияда оила институтини мустақамлаш, маҳалла фаолиятини янада кучайтириш, меҳнат ҳуқуқлари кафолатлигини таъминлаш масалалари илгари сурилди.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Урганч туман кенгаши туман бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда Ахборот технологиялари техникумида "Аёллар бандлигига кўмаклашамиз" мавзусида очик мулоқот ўтказди. Тадбирда Бандликка кўмаклашиш маркази вакиллари, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар давлатимиз томонидан аёллар ва ёшларга ўқиш, ҳунар ўрганиш учун яратилаётган

имкониятлар, уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида олиб борилаётган ишлар, янги иш ўринлари, касбга қайта ўқитиш, уй шароитида тадбиркорлик, ўз-ўзини банд қилиш тўғрисида тавсия ва тушунчалар беришди.

Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган 18 нафар аёлга ўқишлари учун амалий кўмак бериладиган бўлди.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Жарқўрган туман кенгаши томонидан А.Навий маҳалласида "Конституциявий ислохотларда хотин-қизлар фаол иштирок этади" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, туман партия кенгаши масъуллари, маҳалла фаоллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар Бош қомусимизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар беришда хотин-қизлар, аёлларнинг фаол иштирок этиши муҳимлиги тўғрисида тўхталиб ўтишди. Мулоқот давомида хотин-қизлар томонидан қатор таклифлар берилди. Жумладан, аёллар учун нафақа ёшини 50 ёш этиб белгилаш, ёш оилаларнинг ажрალიшида иккала томонга ҳам қонуний чора кўриш лозимлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўз муҳбиримиз.

TAKLIFLAR

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

ХУҚУҚ МУҲИМ, КАФОЛАТ ҲАМ...



Қизилгул ҚОСИМОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, ЎЗХДП
фракцияси аъзоси:

— Ҳаёт ўзгариб, ривожланиб борар экан, халқ ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунлар ҳам тақомиллашиб боради. Конституция ҳам шундай. 1992 йил яратилган, давлатимиз юзи, обрўси бўлган, миллий давлатимизнинг ривожланиши ва фуқароларнинг манфаатлари, уларнинг жамиятдаги ўрни, турмуш тарзини белгилаб берадиган Конституциямиз ҳам қанчалик мукамал бўлмасин, ҳаёт билан ҳамоҳанг равишда ислох этилишига эҳтиёж борлиги сезилапти. Шу кунларда барча ўз таклифи, фикр-мулоҳазаси билан фаол иштирок этмоқда. Зеро, барча ўзгаришларнинг ташаббускори ҳам, ижрочиси ҳам халқимиздир.

Ўзбекистонда ижтимоий адолат тамойили асосидаги барқарор ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилди. "Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат" тамойили асосида конституциявий меъёрларга ўзгартириш киритишга зарурат бор. Ижтимоий давлат, деганда, албатта, биринчи навбатда ижтимоий соҳа, хусусан, тиббиёт, таълим, бандлик, ногиронлик, ишсизлик масалалари кўз олинган келади. Тиббиёт доимо давлатнинг эътиборида бўлган. Биринчи, кейинги йиллардаги тиббиётнинг соғлиқни сақлаш соҳасидан бошлангани ҳам бежизга эмас. Бунинг натижасида бирламчи тиббий санитария ёрдами тубдан ўзгарди, халқимизга яқинлашди. Оилавий шифокорлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, кўп тармоқли марказий поликлиникалар, умуман, барча тизимда аҳолига дав-

лат томонидан бепул тиббий хизмат кўрсатилиши таъминланмоқда.

Биргина «103» хизматининг ўзида қанча ишлар амалга оширилди: янги автоуловлар, реанимобиллар билан таъминот яхшиланди. 2019 йилда автомобиллар сони 2525 та эди, 2022 йилга келиб 3000 га яқинлашди. Дори-дармонлар таъминотида катта ўзгаришлар бор.

Ҳар бир йўналишда, ҳар битта босқичда амалга оширилган ишларни санасак, анча вақт керак бўлади. Асосийси, буларнинг барчаси инсонлар ҳаётида сезилмоқда, ўз аксини топмоқда.

Амалга оширилган мазкур ислохотларнинг натижадорлигини ошириш учун Конституциямизга айрим ўзгаришлар киритилиши яхшиликка хизмат қилади, деб ўйлайман. Масалан, 40-моддада малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканимиз ёзиб қўйилган. Бироқ бу ҳуқуқнинг кафолати мустаҳкамланмаган. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларига давлат томонидан кафолатланган ҳажмда тиббий ёрдам кўрсатилиши ҳақидаги меъёрни қўшимча сифатида киритишни таклиф қиламан.

Биламизки, бугунги кунда ногиронликка олиб келувчи ижтимоий касалликларни эрта аниқлаш борасида манзилли ва мақсадли скрининглар ўтказиш, жойларда кадрлар ва жиҳозлар таъминоти, 13 турдаги эмлаш ишлари, бу борада вакциналарни бепул беришни давлат ўз зиммасига олган. Бир сўз билан айтганда бугунги кунда тиббиётда нима пулли-ю, нима бепул эканлиги белгиланмоқда. Бироқ қонуний асосни мустаҳкамлаш ҳам талаб этилади. Шу сабабидан давлат соғлиқни сақлаш тизими ташкилотлари ва хусусий тиббиёт муассасаларида пулли тиббий ёрдам қонуний тартибга кўра амалга оширилишини назарда тутиш ҳам муҳим саналади.

Шу билан бирга тиббий сўғурта ҳақида ўйлаш вақти келди, менимча. Чунки ушбу тизим кўплаб мамлакатларда амалга оширилади. Ривожланган мамлакатларда тиббий сўғуртасизлик тушунчасининг ўзи йўқ. Буни аҳоли ўзининг бевосита буричи ҳамда ҳуқуқи, деб билади. Инсонлар имкон қадар тиббий сўғурта қилишга интилади. Сабаби бу уларнинг саломатлигини кафолатловчи восита ҳисобланади. Ўйлайманки, Асосий қонунимизда ана шу каби жиҳатлар ҳам қамраб олинса, одамларнинг тиббий маданияти ошибгина қолмай, тиббий саводхонлиги ҳам юқори поғоналарга кўтарилсади. Ҳаёт хавфсизлиги, соғлиғи кафолатланади.

АДВОКАТЛАРНИНГ ҲУРМАТИ ЖОЙИДА БЎЛИШИ КЕРАК



Шербек БҮРОНОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, ЎЗХДП
фракцияси ва
Коррупцияга қарши
курашиш ва суд-ҳуқуқ
масалалари кўмитаси
аъзоси:

— Демократик жамиятда адвокатлар ҳуқуқи, уларнинг эмин-эркин фаолияти кафолатланган бўлади. Чунки фуқароларнинг устувор ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши айна соҳа вакилларининг ҳурмати жойида бўлишига ҳам боғлиқ.

Узоқ ва яқин ўтмишимизда инсоннинг ҳимоя билан боғлиқ фундаментал ҳуқуқлари топталган, адвокат билан икки оғиз гаплаша олмай, яқинларини кўра олмай маҳжум этилган ҳолатлар йўқ эди, асоссиз қамашлар, қақшатиб қийнашлар ҳам йўқ эди, десак ўзимизни алдаган бўламиз.

Президентимиз бу борадаги адолатсизликларга барҳам бериш, инсоннинг қадрини юксалтириш, адолатни тиклаш, қонунга итоаткорликни таъминлаш бўйича жуда кенг қўламдаги ислохотларни амалга ошириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди. Айни йўналишдаги ижобий ўзгаришлар бардавом бўлиши учун ҳимоя ҳуқуқини Конституция даражасида мустаҳкамлаш долзарб аҳамиятга эга, деб ўйлайман.

Конституциявий комиссиянинг ўтган ҳафтадаги йиғилишида мазкур муҳим масалада бир қатор таклифлар муҳокама этилганини билиб, жуда хурсанд бўлдик. Мен нафақат депутат, халқимизнинг бир вакили сифатида бундай чўқур ва керак ёндашувни қўллаб-қувватлайман.

Маълумки, Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари белгилаб берилган. Хусусан, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга бағишланган бобда ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгалиги кўрсатилган. 26-моддада жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги, судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилиши белгиланган.

Шунга қўшимча равишда ҳар бир шахс ўз танловига кўра ва жиноят процессининг ҳар қандай босқичида адвокат олиш ҳуқуқига эгалигини конституциявий мустаҳкамлаш кераклиги ҳақидаги таклиф жуда зарур. Бу таклиф мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, турли соҳа вакиллари томонидан фаол қўлланишига ишонаман.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадрига қийинчи камситувчи бошқа тарздаги таъзиякка дучор этилиши мумкин эмас. Ҳар бир шахс ҳақдорлиги эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб адвокат олиш ҳуқуқига эгалиги белгиланса, ҳар хил таъзиякларнинг олди олинди, инсон қадри паймол этилишига йўл қўйилмайди.

Конституцияда ушланган, айбланган, судланган ва ҳукм қилинган шахсга адвокат билан тўққинликсиз ва махфий учрашувлар ҳамда маслаҳатлашувлар учун зарур шарт-шароитлар таъминланиши белгиланиши, буни ҳамма бош қомусимиз орқали билиши ва шунга суяниши узоқ йиллардан бери кутилган масала эди.

Шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнларида адвокатларга нисбатан тепадан қараш ҳолатлари кузатилади, ҳуқуқ-тартибот идораларининг оддий вазифадаги айрим ходимлари ҳам ўзини адвокатдан зўрроқман, кучлироқман, деб ўйлайдиган ҳолатлар ҳам учраб туради. Ваҳо-

ланки, адвокат қонун устуворлигини таъминлашда, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жуда муҳим шахс ҳисобланади. Адвокатлар ҳуқуқлари Конституция даражасида кафолатланиши елкаси қисқликка барҳам бериб, жамиятда адвокатларга муносиб ҳурмат кўрсатилишига хизмат қилади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ КОМИССИЯГА ТАКЛИФЛАРНИ ЙЎЛЛАШ
БОРАСИДА ҲУДУДЛАР КЕСИМИ ТАҲЛИЛИ:

Таклифларнинг 70 фоиздан ортиги 30 ёшгача бўлган ёшлардан келиб тушган.

Конституциявий комиссия Матбуот хизматининг маълум қилишича, ҳозирда Тошкент шаҳри, Андижон, Фарғона, Сурхондарё ва Жиззах вилоятлари таклифлар йўллашда етакчилик қилмоқда.

Тошкент шаҳри
Андижон
Фарғона
Сурхондарё
Жиззах

АЁЛЛАР ҲАМ ҚАРАБ ТУРГАНИ ЙЎҚ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ КОМИССИЯНИНГ ЎТГАН ҲАФТАДАГИ ЙИГИЛИШИДА КОМИССИЯ РАИСИ АКМАЛ САИДОВ КОНСТИТУЦИЯГА ТАКЛИФ, МУЛОҲАЗА БИЛДИРИШДА АЁЛЛАР ФАОЛРОҚ БЎЛИШИ МУҲИМЛИГИ ҲАҚИДА ҲАЗИЛОМУЗ ФИКР АЙТГАН ЭДИ. БОШҚА ПАРТИЯЛАРДА ҚАНДАЙ БИЛМАДИГУ, ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ САФИДАГИ ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ БУ МАСАЛАДА АНЧА ТАШАББУСКОР ЭКАНИНИ АМАЛДА ИСБОТЛАШМОҚДА.



Муқаддас ЎРОЗАЛИЕВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, Ўзбекистон
ХДП фракцияси аъзоси:

— Конституцияга ўзгартириш киритиш жараёнида ҳар бир фуқаро иштирок этиши жуда муҳим. Халқимиз буни билиб, ҳис қилиб турибди. Чунки аҳоли вакиллари билан бўлиб ўтаётган учрашувларда турли хил таклифлар, ғоялар билдирилмоқда. Уларни тизимли равишда ўрганиш, таҳлил этиш, албатта, ўз натижасини беради.

Конституциямизнинг 40-моддасида "Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга", деган меъёр киритилган. Фуқаролар хусусий тиббиёт клиникалари ҳам беморларга фақат шошилиқ ҳолатларда биринчи тиббий ёрдамни бепул кўрсатиши керак, деган меъёр киритилиши сўрамоқда.

Ҳар бир киритилаётган ўзгартиришлар пишиқ-пухта, ҳар томонлама ўйланган ва эътироф этилган халқаро демократик меъёрлар талабларига жавоб берадиган қилиб ишлаб чиқиши лозим. Зеро, бугунги жараённинг муваффақиятли кечishi нафақат халқимиз ҳаётидаги улкан сиёсий, ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса, балки халқаро аҳамиятга молик катта воқеалиқдир. Конституцияга ўзгартиришлар киритилиши халқимиз руҳини янада кўтариб, келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлайди, деб ўйлайман.



Зухра ШАДИЕВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, Ўзбекистон
ХДП фракцияси аъзоси:

— Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституциясида бир қатор ҳуқуқдор белгиланган. Масалан, шахсий, иктисодий-ижтимоий, сиёсий ҳуқуқлар кафолатланган.

Таклифим шундан иборатки, Конституцияда санаб ўтилган ҳуқуқлар яқуний эмаслиги ва бошқа қонунчилик билан белгиланган, санаб ўтилмаган ҳуқуқлар мавжудлиги инкор этилмайди ёки камситилмайди, деган тамойил киритилиши зарур.

46-модда эса давлат эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлигини кафолатлашга, тенгсизликни тўртарраф этишга масъулдир, деган қўшимча билан белгиланиши лозим.

Яна бир таклифим 64-моддага алоқадор. Ота-оналар ўз фарзандларини воёга етгунларига қадар боқиш ҳамда тарбиялашга мажбур, деган меъёрни қўллаган ҳолда, бунинг амалга оширилиши давлат назоратидадир, деган қўшимча қўшилиши таклиф қиламан.

ҲАР БИР КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР ПИШИҚ-ПУХТА, ҲАР ТОМОНЛАМА ЎЙЛАНГАН ВА ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ХАЛҚАРО ДЕМОКРАТИК МЕЪЁРЛАР ТАЛАБЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН ҚИЛИБ ИШЛАБ ЧИҚИЛИШИ ЛОЗИМ. ЗЕРО, БУГУНГИ ЖАРАЁННИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ КЕЧИШИ НАФАҚАТ ХАЛҚИМИЗ ҲАЁТИДАГИ УЛКАН СИЁСІЙ, ИЖТІМОІЙ-ҲУҚУҚІЙ ҲОДИСА, БАЛКИ ХАЛҚАРО АҲАМИЯТГА МОЛИК КАТТА ВОҚЕЛИҚДИР.



Ўғилой КОМИЛОВА,
Ўзбекистон ХДП фаоли:

— Инсон ҳуқуқлари ҳақида гап кетганда, аввало, унинг дахлсизлигини кафолатлаш лозим. Шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлардан ташқари процессуал масалалар ҳам Конституцияда кўрсатиб ўтилиши керак.

Масалан, 114-моддада "Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир", деб ёзилган.

Юқоридаги каби процессуал ҳуқуқларнинг кафолатланиши учун мазкур меъёрни қуйидаги тартибда тўлдириш таклиф этилади.

Одил судловнинг нотўғрилиги ёки судьяларнинг нотўғри хатти-ҳаракати натижасида етказилган зарар қонунга мувофиқ давлат томонидан қопланади.



Дилдора МҮМИНОВА,
ЎЗХДП Чирчиқ шаҳар Кенгаши етакчи референти:

— Амалдаги Конституциямизнинг 65-моддасида Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади, деб белгиланган. Шу моддага қўшимча сифатида ҳар бир она ва бола соғлиғини кузатиш, уларга малакали тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлашни давлат томонидан кафолатлаш таклифини билдирмоқчиман.

Ҳомиладорлик ва туғуруқ бўйича ҳақ тўланадиган таътиллار ёки бошқа ижтимоий тўловлар тўлашни давлат томонидан кафолатлаш ҳам айни пайтда жуда муҳим.



Инобат ҲАЙИТОВА,
халқ депутатлари Касби туман Кенгаши депутати:

— Табиат бу бизга берилган туҳфа, қолаверса, омонатдир. Уни авайлаб-асраш, келажак авлодга соф ҳолда етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Конституциямизнинг 50-моддасида фуқаролар табиий атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбуриги белгилаб қўйилган.

Таклифим – бунга янада аниқлик киритган ҳолда ва кенгроқ тарзда Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаро атроф табиий муҳитга, ер ости ва ер усти бойликларга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбуриги кўрсатилса. Аксарият ҳолларда бу беминнат неъматларга бефарқ, лоқайд муносабатда бўлаётган, талон-торож қилаётган, топтаётган ҳолатларга дуч келамиз. Уларнинг бош қонун билан муҳофаза этилиши ана шундай ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишига хизмат қилади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
ёзиб олди.

JAMOATCHILIK QABULXONALARIDA

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

МАЪЛУМКИ, КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА МАМЛАКАТИМИЗДА МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ. МАҚСАД АЛБАТТА, ОДАМЛАРНИНГ ДАРДИНИ ЭШИТИШ, УЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТДА БЎЛИШ, ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШ, ПИРОВАРДИДА АҲОЛИНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТГА БЎЛГАН ИШОНЧИНИ МУСТАҲҚАМЛАШ, УЛАРНИ ҲАЁТДАН РОЗИ ҚИЛИШДИР. БУ БОРАДА ЎЗХДП ТАШКИЛОТЛАРИ ҚОШИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ ҲАМ ЎЗИГА ХОС АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА.



ЭШИК ТАҚИЛЛАДИ

– Партиямиз тизимида фаолият олиб борадиган Жамоатчилик қабулхоналари шунчаки тузилган эмас, – дейди **Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши бўлим бошлиғи Отабек ДАДАМИРЗАЕВ**. – Бу партия билан одамларни боғлайдиган мустақам кўприк ҳисобланади. Электорат вакилларининг юрагига қандай кириб бориш мумкин? Аҳоли ишончига қандай қилиб эришилади? Албатта, уни эшитиш, тинглаш, дардига малҳам бўлиш, ташвишга солаётган масалаларига ечим топиш орқали. Уйлаймизки, Жамоатчилик қабулхоналаримиз бу борада ижобий натижаларга эришмоқда.

Вилоят миқёсида ўтган йили Жамоатчилик қабулхоналарига фуқаролардан 845 та мурожаат тушган. Уларнинг 640 таси ижобий ҳал этилиб, қолган 205 таси назоратга олинди.

Жорий йилнинг 1-чораги давомида келиб тушган 218 та мурожаатнинг 13 таси коммунал соҳа, 19 таси уй-жой ва ер олиш, 21 таси иш билан таъминлаш, 45 таси моддий ёрдам, 17 таси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалаларда, 5 таси банк кредити олиш ва 80 дан ортиги бошқа масалаларни ўз ичига олган. 65 фоизи ижобий ҳал этилиб, қолганлари бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Хусусан, май ойида Чортоқ туман, Обод Диёр маҳалласи "Янгиқўрғон" кўчаси, 314-уйда истиқомат қилувчи 1-гурӯх ногирони Сиддиқжон Тўлабоевга Жамоатчилик қабулхонасига қилинган мурожаат асосида туман Кенгаши депутати ҳомиёлигида ногиронлик аравачаси топширилди.

Мингбулоқ тумани "Мулқобод" маҳалласи Мустақиллик кўчаси, 61-уйда яшовчи фуқаро, 1-гурӯх ногирони О.Жумабоевнинг уй-жой ва васийликка фарзанд олиш ҳамда саломатлигини тиклаш учун моддий ёрдам сўраб қилган оғзаки мурожаати жорий йилнинг март ойида тегишли тартибда такрор ўрганиб чиқилди.

Мурожаатчи Ойдинахон Жумабаевнинг турмуш ўртоғи мавсумий ишда ишлайди, моддий томондан қийналган, фарзанди йўқ, дори-дармон олишда ҳамда яшаб турган уйини таъмирлашда амалий ёрдам сўраган.

Ўрганиш юзасидан Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят ва Мингбулоқ туман кенгаши ходимлари "Мулқобод" маҳалла фуқаролар йиғини масъуллари билан биргаликда мурожаатчининг хонадонига борилди. О. Жумабаева "Аёллар дафтари"га киритилган бўлиб, 490 000 сўм миқдорда бир марталик пул маблағи берилган. Шунингдек, депутатлар кўмағида Мингбулоқ туманидаги "Каримжон Абдуқаҳҳарович" фермер

» **МУРОЖААТЛАРДА КЎТАРИЛГАН КАТТА-КИЧИК МАСАЛАЛАР ҲАЛ ЭТИЛАЁТГАНИ АЛБАТТА, ҚУВОНАРЛИ. ЛЕКИН АФСУСКИ, ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИ ОРҚАЛИ МУРОЖААТЛАР ҲАЛ ЭТИЛГНИ ҲАҚИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ҲАММАСИ ҲАМ ИШОНАРЛИМИ? ОДАМЛАРГА ҲАҚИҚАТДА ФОЙДАСИ ТЕГАЯПТИМИ? ГАЗЕТАМИЗНИНГ КЕЙИНГИ СОНЛАРИДАН БОШЛАБ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИДА ҲАЛ ЭТИЛГАН МУРОЖААТЛАРНИ МАНЗИЛЛА ЎРГАНИШ РЕЖАЛАШТИРИЛМОҚДА.**

хўжалигидан ғалладан бўшаган ер майдондан 25 сотих такрорий экин экиш учун ер ажратиб берилган эди. Далага мош экиб, топилган даромадга қурилиш моллари олинган ва ҳашар йўли билан уй солинган. Хомийлик асосида шифер олиб берилди. Депутатларнинг таклифи билан маҳалла фуқаролар йиғини томонидан бу йил ҳам такрорий экин экиш учун 15 сотих ер ажратиб берилди.

Учқўрғон тумани "Кўчабоши" маҳалла фуқаролари йиғини ҳудудидаги "Кўчабоши" кўчасида яшовчи аҳоли томонидан ушбу ҳудуддаги 1 км. узунликдаги йўлнинг қатнов қисмини жорий таъмирлаш ҳамда 300 метр узунликдаги қисмини асфальтлаш бўйича ЎзХДП кенгашига мурожаат бўлган. Туман Кенгаши депутати Ҳасанбой Турсунов ёрдамида масала ижобий ҳал этилиб, йўллар тўлиқ таъмирланди.

Албатта, амалга оширилган ишларни яна давом эттиришимиз мумкин. Қўлга киритилаётган ижобий ишлар ва эришилган ютуқларимизнинг барчаси ўзимизники, лекин амалга оширилаётган шиддатли ислохотларда белгиланган мақсад ва вазифалар ҳали олдимизда қатор долзарб масалалар турганини кўрсатмоқда.

– Одамлар Жамоатчилик қабулхоналарига ишонч билан келишади. Кўпчиликнинг эса бу манзил сўнгги умиди бўлади ҳам, – дейди **ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши сектор мудири Шаҳло Худойқулова**. – Ўтган йили Жамоатчилик қабулхоналарига

фуқаролардан жами 884 та мурожаат қабул қилинган. Шундан 506 таси, яъни 57,9 фоизи ҳамкор ташкилотлар ҳамкорлигида ҳал этилган. Қолганлари бўйича тушунтиришлар берилган ҳамда айримларининг ижроси бўйича депутатларимиз томонидан депутатлик назоратига олинган. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, айрим мурожаатлар ҳуқуқий масалаларга оид бўлмоқда. Партия фаолларимиз мурожаат қилган фуқаро билан адвокатлар ҳамда ҳуқуқшунослар ҳамкорлигида йўл-йўриқлар кўрсатмоқда.

Жорий йил бошидан буён 348 та мурожаат бўлган бўлса, иш билан таъминлаш бўйича 43, саломатлигини тиклаш масаласида 40, моддий ёрдам сўраб 148, банк кредит масалаларида 24 та мурожаат бўлган. Маълумки, ЎзХДП ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам манфаатлари учун қурашади, ғоя ва мақсадлари ҳам шунга йўналган. Ўзбекистон ХДПнинг бошқа сиёсий партиялардан фарқи ва устунлиги мурожаатлар билан алоҳида ишлайдиган Жамоатчилик қабулхоналари борлигидир.

Фуқароларнинг мурожаатларини таҳлил этадиган бўлсак, энг кўп мурожаат бу уй-жой ва ер масаласи ҳамда моддий ёрдам ажратиш масаласидаги муаммоларни кўришимиз мумкин. Ўтган йилнинг 5 ойи давомида уй-жой масаласида 54 нафар, жорий йилнинг 5 ойи давомида эса 78 нафар фуқаро уй-жой масаласида мурожаат билан чиқишган.

Мурожаатларни ҳал этишда кўпроқ маҳаллий Кенгаш депутатлари ёрдамига суянаемиз. Айрим масалалар депутатлик сўровлари орқали ечим топади. Узок вақтдан буён этиборсиз қолаётган масалалар депутат аралашуви билан ижобий ечим топади. Умуман олганда, Жамоатчилик қабулхоналарининг мақсади одамларнинг оғирини енгил қилиш, сайловчилар ишончини мустаҳқамлашга қаратилган.

Мурожаатларда кўтарилган катта-кичик масалалар ҳал этилаётгани албатта, қувонарли. Лекин афсуски, Жамоатчилик қабулхоналари орқали мурожаатлар ҳал этилгани ҳақидаги маълумотларнинг ҳаммаси ҳам ишонарлими? Одамларга ҳақиқатда фойдаси тегайптими? Газетамизнинг кейинги сонларидан бошлаб Жамоатчилик қабулхоналарида ҳал этилган мурожаатларни манзилла ўрганиш режалаштирилмоқда.

Гулрӯх ОДАШБОВЕВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

ЁШЛАР НОЛИШИ ЭМАС, ЕНГИШИ КЕРАК

ЎТГАН ОЙ ГАЗЕТАМИЗДА "ЁШЛАР ФИКРИ" НОМЛИ ЯНГИ РУКН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. ЮТУҚЛАРГА ЭРИШГАН, БОР КУЧ-ҒАЙРАТИНИ ИШГА СОЛИБ, ФАҚАТ ОЛГА ИНТИЛАЁТГАН, ҚИЙИНЧИЛИКДАН ҚЎРҚМАЙДИГАН, ЎЗ БИЛИМИ БИЛАН ЖАМИЯТГА, ВАТАНИГА НАФИ ТЕГАЁТГАН ЁШЛАРНИНГ ЁРҚИН ФИКРЛАРИ БЕРИБ БОРИЛИШИ МАҚСАД ҚИЛИНГАН.



Диёрбек ТОЛИБОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети математика факультети талабаси.

Бухоро вилоятида туғилган. 2021 йил Халқаро математиклар олимпиадаси кумуш медалга соҳиб. Олий таълим мусасасига имтиёзли қабул қилинган. "Galaxy - Group" раҳбари.

– Йўналишим дастурлаш. Бу соҳада алгоритм ва математика кенг қўлланилади. 8-синфдан математика билан шуғулланишни бошлаганман. Ҳозирда ҳам университетда математика факультетиде ўқиб, кўшимча равишда дастурлаш билан шуғулланиб келяпман.

Ютуқларимда ота-онам ва устозларимнинг тўғри маслаҳатлари кўпроқ роль ўйнади, деб айта оламан. Математик иқтидор жудаём нозик ва ривожлантириш қийин бўлган нарса. Иқтидори бўлиб туриб, уни ривожлантирмасан, шуғулланмаса ёки оилавий муҳит яхши бўлмаса, унда натижага эришиш қийин.

Фикримча, ҳозирги ёшлар ривожланиши учун деярли барча шароитлар бор. Аммо айримлар баъзи масалаларда норози бўлишади. Улар таъкидлаётган муаммолар аслида ёшларнинг эмас, балки жамият учун оммавий масалалардир. Яъни ишсизлик, ўрта мактаблардаги таълим сифати, интернет секинлиги ёки шунга ўхшаш... Буларни ҳал қилса, бартаф қилса бўлади. Ҳозирда "Galaxy - Group" гуруҳи раҳбари сифатида шу йилнинг ўзида яқинда 3-лойиҳамизни эълон қиламиз. Барчаси ажойиб шакллантирилган ва ҳаттоки биз талаба эканлигимиз учун сервер ва интернет провайдерлар, солиқлар масаласида кўплаб кўшимча имтиёزلарга эга бўляемиз.

Мақсадларим – биринчи навбатда "Galaxy - Group"ни дастурлаш ва замонавий касбларга ихтисослашган компанияга айлантириш. Шу билан бирга, шоғирдлар тайёрлаб, уларни жаҳон даражасидаги олим бўлишига кўмаклашишни ниёт қилганман. Бунинг учун ўқувчиларни тайёрлаш тизимини янги даражага, халқаро стандартлар асосига кўтариш керак. Тизим шаклландан сўнг кўп нарсалар осонлашади, фойдалилик коэффициенти ҳам юқори бўлади.



Машҳура ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Қарши давлат университети 1-курс магистранти.

Ёшлар иттифоқи Косон тумани 57-мактаб бошланғич ташкилот ёшлар етакчиси. Мактабда инглиз тили ўқитувчиси бўлиб ҳам ишлайди. 2019 йилда "Келажак бунёдкори" давлат мукофоти билан тақдирланган.

– Иқтидорни шакллантиришда шароит ҳам, меҳнат ҳам бирдек муҳим. Чунки улғайиб келаётган ёшларни ниҳолга қиёсласак, ниҳолга қанча кўп этибор бериб, меҳр билан парвариш қилинса, илдизи бақувват, баланд, азим дарахтга айланади. Инсон ҳам шундай. Бугунги кундаги натижаларим, қўлга киритган ютуқларим ота-онамнинг менга болалиқдан таълим олишим учун яратиб берган шарт-шароитлари ва доимий меҳнат самараси, деб биламан.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси сифатида халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашлари сессияларида, қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этамиз. Ёшларни ўйлантираётган масалалар бўйича таклифлар берамиз. Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Қолаверса, маҳаллий Кенгаш депутатлари, маҳаллалардаги ёшлар етакчилари, ҳоким ёрдамчилари билан ёшлар манфаатларига хизмат қиладиган, уларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқдамиз.

Режаларим – илм йўлини яна давом эттириб, келгуси авлодларга, чекка-чекка ҳудуд ёшларини ҳам шаҳар марказидаги тенгдошлари каби замонавий билимларни эгаллашларида кўмакчи бўлиш, таълим соҳасини ривожлантиришга ўз ҳиссамни қўиши.

Айрим олис ҳудудларда болаларнинг таълим олиши учун шарт-шароитлар ҳаминқадар. Яъни, уларнинг ҳаммасида ҳам чет тилларини ўрганиш учун лингвон хоналари, компьютер жиҳозлари мавжуд эмас. Бу масалалар аста-секин бартаф этиляпти. Мен ана шундай олис ҳудудларда хорижий тилларни билиш даражасини юқориқ кўтаришни истаётман. Қишлоқ болаларини халқаро сертификатлари қўлга кирита оладиган ёшлар қаторида кўришни хоҳлайман.

Гулрӯх ОДАШБОВЕВА
тайёрлади.



UZOQ VA YAQIN

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz



ФРАНЦИЯДА ПАРЛАМЕНТ УЧУН КУРАШ

Франция сайловчилари 12 июнь куни янги беш йиллик муддатга Миллий Ассамблея аъзоларини сайлаш учун сайлов участкаларига чиқди.

Франциялик сайловчилар 6000 дан ортқ нозом орасидан парламент депутатларини сайлаб оладилар, ҳар бир сайлов округига ўртача 11 нозомдан тўғри келади. Биринчи босқичда 50 фоизлик чегарадан ўта олмаган нозомдорлар 19 июнь куни иккинчи босқичдан ўтишлари керак бўлади.

Биринчи босқичнинг ўзига хос томонлари:

Макроннинг кичик устунлиги

Франция парламенти сайловларининг биринчи босқичида Макроннинг Ансамбл коалицияси расмий натижаларга кўра, 25,75 фоиз овоз билан Жан-Люк Меленшоннинг 25,66 фоиз овоз тўплаган чап қанот НУПЕС блокидан бироз ўзиб кетди.

Натижа шунинг англатадики, Ансамбл парламентидаги мураккаб кўпчилик ўринини сақлаб қолмаслиги мумкин. Бу 19 июнь куниги натижалар қандай бўлишига боғлиқ.

Макрон 2002 йилдан бери "биргаликда яшаш" муаммосига дуч келган биринчи президент бўлмаслигига умид қилмоқда.

Кучли сўл қанот

Биринчи тур тугагандан кўп ўтмай, Меленшон "Кескин пойга Ансамблнинг мағлубиятини кўрсатди, чунки НУПЕС Макроннинг блоки томонидан қўлга киритилган ўринлар сони бўйича бахсладди", деди.

Унга Бош вазир Элизабет Борн Ансамбл "кўпчилик ўринини олишга қодир ягона сиёсий куч", деб жавоб берди.

Сайловчиларнинг камлиги

Сайловчиларнинг фаоллиги аввалги сайловларга қараганда анча паст бўлди, аксарият сайловчилар уйда қолишни афзал кўрди. Рўйхатга олинган сайловчиларнинг тахминан 52,49 фоизи овоз беришда қатнашмаган.

Чаплар биринчи турда бетараф қолган сайловчиларни 19 июнь куни оммавий равишда кўчаларга чиқишларини, улар учун овоз беришларини сўраб мурожаат билан чиқишди.

Учинчи ўринда ўта ўнглр

Президентлик сайловларининг иккинчи босқичида Макронга ютқазган Марин Ле Пен бошчилигидаги ўта ўнг ва миллатчи Миллий митинг 18,68% овоз билан учинчи ўринини эгаллади.

Ҳозирда улар Миллий Ассамблеяда саккизта ўринга эга. Бу кейинги яқшанба куни ўзгариши, баъзи сўровларга кўра, партия 20 дан 45 гача ўринларни қўлга киритиши мумкин.

ИРОҚ: ПАРЛАМЕНТДАН ЧИҚИШ

Саккиз ойлик "сиёсий фалаж"дан сўнг Ироқ сиёсатининг етакчиси, Шиит мусулмонлари уламоси Муқтада ас-Садр ўз блокига парламентдан чиқишни буюрди. 73 депутатдан иборат бутун гуруҳнинг истеъфога чиқиши ўзига хос воқеадир.

Атлантика Кенгаши таҳлил марказининг катта илмий ходими Аббос Қодим твиттерда "Бу 73 та парламент ўрни турли сиёсий блоклар ўртасида қайта тақсимланишига олиб келади", деб ёзди.

Муқтада ас-Садр Ироқда жуда машҳур. Йиллар давомида у Эронга ҳам, Қўшма Штатларга ҳам қарши турган. Октябрь ойида мамлакат сиёсатида узоқ вақт ҳукмронлик қилган Эронга тарафдор шиит блоклар парламент сайловларида ютиб чиққан.

Бироқ жанжал ва коррупция айбловлари президентлик сайловларини тўхтатиб қўйгани ва ҳукуматнинг шаклланишига тўсқинлик қилгани сабабли сиёсат боши берк кўчага кириб қолган.

"Агар Садр блокига ҳукумат тузишга тўсқинлик қилинадиган бўлса, блокнинг барча депутатлари муносиб равишда истеъфога чиқишга тайёр", деди Садр пайшанба куни телекўрсатувда қилган чиқишида.

Таҳлилчилар фикрича, Садр ва унинг партияси ҳукуматдан четлатилиши тартибсизликларга олиб келиши мумкин.



ОНЛАЙН ҲАҚОРАТ УЧУН ЖАЗО

Япония парламенти душанба куни "онлайн ҳақоратларни" қамқоқ жазоси билан жазолайдиган қонунни қабул қилди.

Интернетда тўхмат қилганликда айбланган жиноятчилар мамлакат жиноят кодексига жорий йилнинг эида кучга кирадиган ўзгартиришга кўра, бир йилгача қамқоқ жазоси ёки 300 минг иёна (тахминан 2200 доллар) микдорида жаримага тортилиши мумкин.

Бу аввалги 30 кундан камроқ муддатга қамқоқ олиш жазолари ва 10 000 иёна (75 доллар)гача бўлган жарималардан сезиларли ўзгаришдир.

Қонун лойиҳаси мамлакатда мунозарали бўлиб қикди, муҳолифлар эса у сўз эркинлигини ва ҳоки-

миятадагиларга нисбатан танқидни бўғди, деб таъкидламоқда. Аммо тарафдорлар интернет, ижтимоий тармоқлар орқали онлайн тазийикни чеклаш учун қаттиқроқ қонунлар зарурлигини айтишди.

Адлия вазирлиги вакилининг сўзларига кўра, Япония жиноят кодексига кўра, тўхмат деганда шахсининг ўзи ҳақидаги аниқ фактларга ёки муайян хатти-ҳаракатларига ҳавола қилмасдан унинг ижтимоий мавқеини омма олдида камситиш тушунилади. Жиноят тўхматдан фарқ қилади, яъни маълум фактларни кўрсатиб, кимнидир омма олдида камситиш, деб таърифланади.

Иккаласи ҳам қонун билан жазоланади.

ОАВ хабарлари асосида
Аҳмад ҚУРБОНОВ тайёрлади.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК – САЙЛОВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ОМИЛИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХХТ ДИИХБ) вакиллари 14 июнь куни Марказий сайлов комиссиясида бўлди.

2021 йил мамлакатимизда ўтказилган Президент сайловини кузатиб борган бюро миссияси раҳбари Оуэн Мерфи бошчилигидаги делегация таркибида Овоз беришнинг янги технологиялари бўйича катта маслаҳатчи Владимир Мисев, Сайловлар бўйича маслаҳатчилар Ксения Дашуцина ва Мартина Баркер-Циганарикова бор.

ЕХХТ мутасаддиларининг юртимизга ташрифи давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир ДИИХБ яқуний ҳисоботи тақдим этилади, шунингдек, амалий ҳамкорликни чуқурлаштириш истиқболи муҳокама қилинади.

Оуэн Мерфи сўнгги йилларда ЕХХТ ДИИХБ ва Ўзбекистон ўртасида сайлов соҳасида тобора мустақамлашиб борилаётган ҳамкорлик халқаро стандартга мос илгор тажрибани жорий этишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Шунингдек, у Бюро фаолиятининг сайловдан кейинги кузатув миссияси билан боғлиқ эътиборга молик жиҳатларга тўхтади.

Ҳажман ва мазмунан гоёт жиддий ҳужжат – яқуний ҳисобот тақдимот тарзида намойиш этилди. Шу билан бирга бўлажак сайловларни ўтказишнинг ҳуқуқий асоси ва амалиётни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар баён этилди.

Миссия раҳбари 24 муҳим тавсиядан 7 таси айнан сайлов соҳасини ислоҳ қилишга қаратилганини қайд этди. Ушбу тақлифларни нафақат сайловни ташкил этиш учун масъул давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, балки сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа манфаатдор ташкилотлар кўриб чиқиши лозим.

МСК раиси Зайниддин Низомхўжаев Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида миллий сайлов тарихида илк бор ЕХХТ ДИИХБ, ЕХХТ Парламент Ассамблеяси ва Европа парламентининг биргаликдаги саъй-ҳаракатига асосланган халқаро кузатиш миссияси ташкил қилинганини эътироф этди.

Мулоқот давомида миллий сайлов тизими салоҳиятини янада ошириш бўйича ҳамкорлик масаласи муҳокама қилинди. Бу

борада ўзаро тажриба алмашиш, жараёнга тайёргарлик кўриш ва сайловни ўтказишга оид мавжуд халқаро меъёр ва амалиёт билан танишиш муҳим экани таъкидланди.

– Марказий сайлов комиссияси мазкур ҳисоботни сайлов соҳасида ЕХХТ ДИИХБ билан мулоқотни фаол давом эттириш ва амалий шерикликни янада мустақамлаш учун асос сифатида қабул қилади, – деди З.Низомхўжаев.

Айни пайт МСКда ЕХХТ ДИИХБ тавсияларини ўрганиш ва қўллаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш мақсадида идораларо экспертлар гуруҳи фаолият юритмоқда. Тавсияларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳужжат барча манфаатдор идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилади.

Яқуний ҳужжатни ўрганиш учун БМТ Тараққиёт дастури, Сайлов тизимлари халқаро фонди, ЕХХТ Лойиҳалари координатори экспертлари ҳам жалб қилинган.

Ўз навбатида, Оуэн Мерфи ДИИХБ сайлов жараёнини янада такомиллаштириш учун Ўзбекистонга техник кўмак кўрсатишга тайёрглигини билдирди.

– Ўтган йил Президент сайлови жараёнини кузатиш, сайлов олдида, сайлов даврида ва сайловдан кейин кўшимча кузатув ишлари билан шўғулланиш мақсадида етти ҳафталик миссия ташкил этилган, – деди О.Мерфи. – ЕХХТга аъзо барча давлатларда турли сайловларни кузатиб борганмиз. Ҳар қандай миссия тугагач, албатта, яқуний хулоса, тақлифлар билдирилади, тегишли учрашувлар ўтказилади. Бу жараён муайян мамлакат сайлов тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Учрашувда икки томонлама алоқани фаоллаштириш муҳимлиги, сайлов соҳасидаги тақлифларнинг сайловни кузатиш бўйича халқаро миссия томонидан баҳоланиши юртимизда демократик сайлов тизими шаклланиши ва ривожланишига сезиларли даражада кўмаклашаётгани эътироф этилди.

ЕХХТ ДИИХБ делегациясининг мамлакатимизга ташрифи доирасида парламент тизимидаги айрим институтлар, турли вазирлик, идоралар, сиёсий партиялар раҳбарлари билан учрашувлар ҳам кўзда тутилган.

Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,
ЎЗА мухбири.

ҲАМКОРИМИЗ

"Ўзсувтаъминот" АЖ:

2026 ЙИЛДА АҲОЛИНИНГ ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ 90 ФОИЗГА ЕТКАЗИЛАДИ



МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА "ЎЗСУВТАЪМИНОТ" АЖ ТОМОНИДАН «ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУГЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ»ДА ДАВЛАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР БАЖАРИЛИШИНИНГ ТАҲЛИЛИ» МАВЗУИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ.

Анжуманда мутахассислар мамлакатимиз аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ва сув чиқариш хизматларини яхшилаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани, жумладан, ҳудудларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизими ҳамда хизмат кўрсатиш, сервис соҳаларини ривожлантириш доирасида республика аҳолисининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини 87 фоизга етказиш белгилангани тўғрисида маълумот берди.

– Президентимизнинг 2022 йил 22 январдаги "2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш

чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва тасдиқланган манзилли дастурларга мувофиқ жорий йилда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимларини ривожлантириш мақсадида жами 351 та объектда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун 1 триллион 444,8 миллиард сўм маблағ ажратилади, – дейди "Ўзсувтаъминот" АЖ бошқарма бошлиғи ўринбосари Ислонжон Абдуллаев. – Ушбу маблағлар ҳисобидан 2 минг 262 км. ичимлик ва оқова сув тармоқлари, 261 та ичимлик ва оқова сув иншоотларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш белгиланган. Шунингдек, жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, 624,9 миллиард сўм молиялашти-

рилган. Ҳозиргача 650,4 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилган. Ушбу маблағлар ҳисобидан 866,5 км. ичимлик ва 44,1 км. оқова сув тармоқлари, 89 та иншоотда қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилди. Ҳозирда республика бўйича 1 минг 500 дан ортқ маҳалла марказлашган ичимлик суви билан таъминланмаган. 3 мингдан ортқ маҳалла ичимлик суви билан қисман таъминланган. Юқорида келтирилган ҳужжатларга асосан мамлакатимизда 2026 йилда аҳолининг ичимлик суви таъминоти 90 фоизга етказилиши белгиланган.

Маълумот ўрнида яна шунинг айтиш мумкинки, сув таъминоти тизимини трансформация қилиш жараёнида соҳага давлат-хусусий шериклик тамойили ҳам кириб келмоқда. Хусусан, шу йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва "Наманган шаҳар оқова сув тозалаш иншоотини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш" лойиҳаси бўйича тендер голиби – "Metito Utilities Limited" компанияси ўртасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим имзоланди. Бу давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилаётган илк лойиҳа ҳисобланади.

Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Осиё тараққиёт банки билан Тошкентда янги оқова сув иншоотларини қуриш бўйича музокаралар олиб борилди. Жумладан, "Ўзсувтаъминот" АЖ ва Осиё тараққиёт банки ўртасида Тошкент шаҳрида оқова сув тоза-

лаш иншоотини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш ва бошқарувга бериш лойиҳаси юзасидан маслаҳат хизматини кўрсатиш бўйича битим ҳам имзоланган.

– Тараққиёт стратегиясида Ўзбекистон Республикаси сув захира-ларидан оқилана ва самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида ичимлик суви таъминотида ва оқова сув хизматларини кўрсатишда бошқарув кадрлари ва мутахассисларни қайта тайёрлаш тизимини халқаро стандартларга мувофиқ тубдан такомиллаштириш ва уларнинг профессионал савиясини ошириш кўзда тутилган, – дейди "Ўзсувтаъминот" АЖ бошқарма бошлиғи ўринбосари Султонхўжа Дадабоев. – Мазкур вазифа ижроси доирасида жорий йилнинг февраль-март ойларида ҳудудлар кесимида иқтисод, эксплуатация, техника хавфсизлиги бўйича 292 нафар мутахассисларнинг малакасини ошириш мақсадида ўқув семинарлари ва амалий машғулотлар ташкил этилди. Йил охиригача барча ҳудудий сув таъминоти ташкилотларининг яна 2 минг нафар ходимларини ўқитиш режалаштирилган. Шунингдек, март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуриндаги Давлат бошқаруви академиясида "Ўзсувтаъминот" АЖ тасарруфидаги ҳудудий сув таъминоти корхоналарининг 32 нафар раҳбар ва ходимлари учун "Ичимлик суви таъминоти ва канализация соҳасида замонавий бошқарув" мавзусида ўқув курслари ўтказилиб, тингловчиларга махсус

сертификатлар топширилди.

Бундан ташқари, айни пайтда Корея Республикасининг "K-Water" корпорацияси билан сув таъминоти ходимларини ўқитиш, уларда замонавий инновацион технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, жаҳоннинг энг яхши тажрибалари билан таништириш мақсадида мамлакатимизда махсус ўқув муассасасини ташкил этиш бўйича ҳам музокаралар олиб борилмоқда.

Яна бир маълумот, республика бўйича 67 фоиз истеъмолчиларга сув ҳисоблагичи ўрнатилган. "Ўзсувтаъминот" АЖ ҳамда Жанубий Кореянинг "K-Water" корпорацияси билан Тошкент шаҳрининг Қўйлик 2, 3 ва 4-мавзелирида 7 минг 850 та сув ҳисоблагичи ўрнатилиши ҳамда биллинг тизимига уланиши белгиланган. Бугунги кунга келиб жами 1 минг 900 та сув ҳисоблагичи ўрнатилди.

Шунингдек, матбуот анжуманида маълумот "Ўзсувтаъминот" АЖ ҳамда Жанубий Кореянинг "SHIN DONG-A ELECTRONICS CO, LTD" ташкилоти билан имзоланган меморандумга асосан Тошкент шаҳрининг Қўйлик-1 мавзесида 43 та антенна ва 610 та сув ҳисоблагичлари ўрнатилиши ҳамда биллинг тизимига уланиши белгиланган бўлиб, айни вақтда 18 та кўп қаватли уйларда жами 500 та сув ҳисоблагичлари ўрнатилгани тўғрисида ҳам ахборот берди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

MULOHAZA

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

Яқинда "O'zbekiston 24" телеканалнинг "Менимча" дастурида Президентимизнинг қуйидаги фикри берилди:

"Ўрганишлар имтиёзли кредит эвазига сотиб олиниши лозим бўлган чорва моллари, қўй, товук, тикувчилик дастгоҳлари таъминотчи корхоналар томонидан аҳолига оширилган нархларда сотилаётганини кўрсатяпти".

Одамларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш, даромад манбаи кафолатларини мустаҳкамлаш, ўзини ўзи банд қиладиган кишиларга молиявий кўмак бериш бўйича турли йўналишларда ислохотлар олиб борилмоқда. Натижада минг-минглаб оилаларнинг бири икки бўляпти, нима қилишни, нима еб-ичишни, қўйинги, қандай яшашни билмай юрган кишилар аста-секинлик билан ҳаётини йўлга тушириш имконига эга бўляпти. Имтиёзли кредитлар билан боғлиқ шундай қувончли ҳолатлар борки, эшитиб, кўриб, кўнгил ёришади.

Аммо олинган кредит маблағини ўз вақтида қайтара олмай, нима қилишни билмай сарсон-саргардон юрган фуқаролар ҳам йўқ эмас. Албатта, бундай ҳолатларнинг минг бир сабаби бор. Шулардан бири имтиёзли кредит эвазига харид қилинаётган нарсаларнинг таъминотчи корхоналар орқали олинганда нархи ошиб, сифати тушиб кетаётгани билан боғлиқ бўлмоқда.

ҚўЙЛАР НЕГА НОБУД БЎЛДИ?

Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига федерацияси «1091» ишонч телефонига Уйчи туманида яшовчи С.Мамадалиев мурожаат қилган, – дейди **Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти** федерацияси матбуот котиби Шерали Саттаров. – С.Мамадалиев чорвачиликни ривожлантириш мақсадида банкдан 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит олади. Шундан сўнг унга таъминотчи томонидан 10 бош зотли қўй берилади. Аммо афсуски, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, қўйлар касаллана бошлади. Шундан сўнг, мурожаатчи ветеринарни чақириб, зотли қўйларнинг ҳолатини текширишни сўрайди. Ветеринарнинг хулосасига кўра, қўйларнинг жигарида касаллик борлиги маълум бўлади.

С.Мамадалиев шу куннинг ўзиде банкка мурожаат қилиб, вазиятни тушунтирган, аммо унга пул аллақачон таъминотчининг ҳисобига ўтказиб бўлинганини айтишган. Буни қарангки, бир ҳафта ўтар-ўтмас қўйларнинг ҳаммаси нобуд бўлади. Мурожаат ўрганилгач, истеъмолчи ҳуқуқлари бузилгани ойдинлашди ва чўв тушган фуқаронинг кредити таъминотчи томонидан қоплаб берилади.

ҚўЙЛАР ТУЯ БЎЛИШИГА САЛ ҚОЛГАН

Чортоқ туманида яшовчи Хусниддин Жўраев «Halol go'sht export» МЧЖ билан 27 миллион сўмлик шартнома тузди. Иккала томоннинг ўзаро битимига кўра, МЧЖ юқоридаги маблағ эвазига фуқарога «Ҳар бир оила – тадбиркор» давлат дастури доирасида зотли қўйларни етказиб бериши керак эди. Аммо шартномада қўйларни «кўён» бўлиб қолади. МЧЖ қўйларни анча вақт беришдан бош тортди келади. Чорасиз қолган Ж.Жўраев Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятига федерациясига ёрдам сўраб мурожаат қилади. Шундан сўнг иш фуқаролик ишлари бўйича Янгиқўрғон туманлараро судига оширилади.

Суд жабрланувчи фойдасига қарор чиқаради. «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 29-моддасига кўра, МЧЖ томонидан келтирилган зарар ҳамда маънавий зарар – жами 27 миллион 500 минг сўм даввогар фойдасига ундириб берилади.

Бу каби мисоллар ва муаммолар ўзидан-ўзи пайдо бўлмаяпти. Муаммо бор, кичкина эмас.

Мухбиримизнинг оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар олиш билан боғлиқ ҳолатлар ва бошқа саволларига Марказий банкнинг Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш департаменти бошқарма бошлиғи Тўғрўн Ҳакимов жавоб берди.

– Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар қанча муддатга, неча фоиздан ва қайси соҳаларга ажратилади?

– Бугунги кунда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида имтиёзли кредитлар йиллик **14 фоиз ставкада** оилавий тадбиркорлик, даромад топишга қаратилган муайян меҳнат фаолияти билан шўғулланиш ва фаолият турини кенгайтириш истагини билдирган аҳоли ҳамда тадбиркорлик субъектларига умумий тартибда **асосий қарз бўйича 3 ойдан 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга ажратилади.**

Дастурлар доирасида имтиёзли кредитлар: – чорвачилик (қорамол, қўй, эчки), балиқчилик ва паррандачилик (тухум йўналиши) учун – **1 йилгача имтиёзли давр билан 3 йилгача муддатга;**

– боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш, иссиқхона, қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналарни харид қилиш учун – **3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга;**

– "Хунарманд" уюшмаси аъзоларига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлари ва хом ашё материалларини харид қилиш, хунармандчиликни ривожлантириш марказлари, "уста-шогирд" мактабларини ташкил этиш, уй-музейлар ва устaxonалар қуриш ёки шу мақсадларда бино ва иншоотлар сотиб олиш учун – **3 йилгача муддатга ҳамда айланма маблағларини тўлдириш учун 18 ойгача муддатга ажратилади.**

– Таъминотчи етказиб берган маҳсулотлар сифати бўлмаса, бошқа бир таъминотчи билан шартнома тузса бўладими?

– Таъминотчи томонидан етказиб берилган маҳсулот сифатсиз бўлган тақдирда таъминотчи маҳсулотларини қонунчиликда белгиланган тартибда қайтарган ҳолда ушбу таъминотчи билан



ТУЯНИНГ УСТИДА КИМ?

тузилган шартнома қарз олувчи томонидан "Smart Market" электрон савдо майдонида бекор қилинади. Шундан сўнг бошқа таъминотчи билан қайта танлов асосида шартнома имзоланиши мумкин.

– **Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида фуқароларга ажратилаётган имтиёзли кредитлар чорвачилик, яъни қорамол, қўй, эчкилар учун таъминотчи корхоналарга ўтказиб берилмоқда. Кредитларни нақд пул кўришида ёки фуқароларнинг пластик картаси орқали берса бўлмайди?**

– Ўзини ўзи банд қиладиган фуқароларга айрим турдаги фаолиятни амалга ошириш (касачилик, хунармандчилик, иссиқхона қуриш ва шу қабилар учун зарурий хом ашё, эҳтиёт қисми ҳамда қурилиш молларини сотиб олиш) мақсадида 5 миллион сўмгача миқдорда кредит маблағлари нақд пулда берилиши мумкин. Оилавий тадбиркорлик доирасидаги бошқа кредит турлари бундан мустасно.

– **Оилавий тадбиркорликни ривожланти-**

риш дастурлари доирасида фуқаролар ўзлари хоҳлаган чорва молларини ўзлари режа қилган нархларда бозорлардан харид қилиш имконияти йўқми?

– Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари, Дастурлар ижроси бўйича ўтказилган йиғилиш баёнларида вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, давлат солиқ хизмати органларининг раҳбарлари дастур доирасида етказиб берилаётган маҳсулотлар нархининг сунъий ошиб кетишининг олдини олиши, бунинг учун "маркетплейс" тизимида ҳалол таъминотчилар фаолиятини назоратга олиш, товарларнинг муддатига ва сифатли етказиб берилишини таъминлашга шахсан жавобгар эканлиги белгилаб қўйилган. Шу сабабли мазкур ҳолатда фуқаролар ҳудудий ҳокимликларга мурожаат қилиши зарур бўлади.

– **Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида фуқароларга ажратилаётган кредитлар таъминотчи орқали бериш тартиби қачон, қайси ташкилот**

ЭЪЛОН

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

Текширилаётган юридик шахс ҳақида маълумот

Табсис ҳужжатларига мувофиқ тўлиқ номи: "PLATINUM CREDIT PLUS" МЧЖ ломбард. Юридик манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 156 "А" тел.: (99871) 287-73-33. Банк ва бошқа банк маълумотлари: асосий ҳисоб рақам: 20216000900492978001; AT "ORIENT FINANCE" банк Чилонзор филиали. МФО 01096, ИНН: 307902708, ОКЕД 64190

Аудиторлик ташкилоти ҳақида маълумот

Аудиторлик ташкилоти: «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ. Юридик ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Олмазор массиви, 8/1/2, аудиторлик лицензияси: № 00747, берилган сана: 01.04.2019. 2022 йил 18 январдаги №22-040-сонли аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ «FARHOD LOMBARD» МЧЖ ломбардининг 2021 йил 31 декабрда яқунланган йил учун молиявий ҳисоботлари.

* 1-сонли шакл "баланс";
* 2-сонли шакл "молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" шакллардан иборат бўлган ҳолда аудиторлик текшируви амалга оширилди.

Фикр

Биз 2021 йил 31 декабрда яқунланган йил учун "PLATINUM CREDIT PLUS" МЧЖ ломбардининг бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда уларга берилган тушунтиришлардан иборат аудиторлик текшируви, шунингдек, бухгалтерия сиёсатининг муҳим жиҳатлари ва молиявий ҳисоботга бошқа эъланлар тўғрисида текширув ўтказдик. Бизнинг фикримизча, "PLATINUM CREDIT PLUS" МЧЖ томонидан илова қилинган 2021 йил 31 декабрдаги молиявий ҳисоботи Миллий бухгалтерия стандартлари (НСБУ) мувофиқ келади ва ҳар жиҳатдан ишончли акс эттирилган. Биз аудиторлик текширувини халқаро стандартларга мувофиқ ўтказдик ва ҳисоботлар етарли ҳамда лозим даражада, деф ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисоботларни бошқариш юзасидан раҳбарият ва масъул шахсларнинг жавобгарлиги.

Раҳбарият ушбу молиявий ҳисоботни бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига мувофиқ тайёрлашда ва ишончли тақдим этишда жавобгар ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият ташкилотнинг ўз фаолиятини доимий равишда давом эттириш қобилиятини баҳолашда, фаолиятнинг узлуksизлиги билан боғлиқ маълумотларни ошқор қилиш ва фаолиятнинг узлуksизлиги тўғрисидаги таҳмин асосида ҳисобот бериш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботнинг аудит текшируви учун аудиторнинг жавобгарлиги. Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботда хато маълумотлар ва жиддий бузилишлар мавжуд эмаслигига ишонч ҳосил қилиб, оқилона хулоса чиқаришдир. Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказилган текширувда биз қуйидагиларни бажарамиз:

* адолатли бўлган ҳаракатлар ёки хатолар туфайли молиявий ҳисоботларнинг жиддий бузилиш хавфини аниқлаш ва баҳолаш; ушбу хатоларга жавобан аудит тартибини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; биз ўз фикримизни билдириш учун асос бўлиб хизмат қилиш учун етарли ва тегишли бўлган аудиторлик далилларини оламиз.

* қўлланиладиган ҳисоб сиёсатининг тўри хусусиятини ва бухгалтерия ҳисобининг ҳақиқийлигини ва раҳбарият томонидан тайёрланган маълумотларнинг ошқор этилишини баҳолаймиз.

* биз ишнинг узлуksизлигини таҳмин қилишнинг қонунийлиги тўғрисида хулоса чиқарамиз ва олинган аудиторлик далиллари асосида – воқеалар ёки шартнолар билан боғлиқ жиддий ноаниқлик мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида хулоса чиқарамиз.

* биз молиявий ҳисоботни, тузилиши ва мазмунини, шу жумладан, ахборотни ошқор қилишни, шунингдек, молиявий ҳисоботнинг асосий операциялари ва ҳодисаларини уларнинг ишончли тақдим этилишини таъминлаш учун баҳолаймиз.

* молиявий ҳисобот тўғрисида фикр билдириш учун ташкилотнинг молиявий маълумотлари ва ташкилот ичидаги хўжалик фаолияти тўғрисида етарли даражада аудиторлик далилларини оламиз. Биз ташкилотнинг умумий бошқаруви, назорати ва аудитини ўтказиш учун жавобгармиз.

Биз корпоратив бошқарув учун масъул шахслар билан, шу қаторда аудитнинг режалаштирилган ҳажми ва муддатлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, аудит натижалари бўйича муҳим шарҳларни, шу жумладан, аудит жараёнида аниқланган ички назорат тизимининг муҳим камчиликларини ҳисобга олган ҳолда ахборот билан ўзаро алоқада бўламиз.

Шунингдек, биз корпоратив бошқарувага масъул бўлган шахсларга мустақиллик учун барча тегишли ахлоқий талабларга риоя қилганимиз ва ушбу шахсларга аудитор мустақиллигига таъсир етувчи барча муносабатлар ва бошқа масалалар тўғрисида маълумот берганимиз тўғрисида баёнот берамиз.

(Эълон матни учун эълон берувчи жавоб беради.)

томонидан белгиланган?

– Президентимизнинг 2021 йил 20 декабрдаги "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан 2022 йилда йўналтирилаётган 10 триллион сўм маблағларнинг 7 триллион 620 миллиард сўми аввал берилган кредитларнинг қайтарилиши ҳисобидан ажратилади.

Шу сабабли қарорнинг 11-бандида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари ҳамда сектор раҳбарларига тижорат банклари билан биргаликда дастурлар бўйича ажратилган кредитларнинг уларни сўндириш графигига мувофиқ белгиланган муддатларда қайтарилиши вазифаси юклатилган.

Агар ҳудудларда ушбу кредитларни сўндириш графиги ижроси таъминланмаса, айнан ўша ҳудудларда **ҳар ойлик кредитлаш ҳажмлари** кредитларни сўндириш графиги ижросининг бажарилмаган миқдорига **мос равишда камайтирилиши белгиланган.**

Қарордан келиб чиқиб, жорий йилда бериладиган кредитларнинг **асосий қисми аввал берилган кредитларнинг қайтарилиши ҳисобига** берилади, агар кредитлар ўз вақтида сўндирилмаса, қайтмаган қисмига **мос равишда кредит ажратиш имконияти чекланади.** Шунга кўра, ҳар бир МФЙ бўйича аввал берилган кредитларнинг сўндирилган қисми ҳоким ёрдамчиси тавсиясига кўра, дастурлар доирасида янги қарз олувчи ажратилган кредитлар бўйича ресурслар (лимитлар)нинг асосий манбаси ҳисобланади.

Дастурлар доирасида ресурс (лимит) маблағлари етарли бўлмаган тақдирда www.oilakredit.uz ягона электрон платформаси орқали бу ҳақда масъул ҳоким ўринбосари раҳбарлигидаги туман (шаҳар) ҳамда ҳудудий Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказига маълумот берилади. Бу МФЙ жойлашган туман ёки шаҳарда олдинги имтиёзли кредитлардан қайтарилган маблағ ҳажми мавжуд тавсияномалар бўйича янги имтиёзли кредитларни ажратиш учун етарли эмаслигини билдиради. Ўз навбатида, илгари ажратилган кредитлар сўндирилиши ҳисобига ресурслар шаклланиши билан ҳоким ёрдамчисининг тавсиясига асосан платформада дастлаб автоматик тарзда қайд этилган навбат асосида кредит ажратиб берилади.

Юқорида федерациянинг тақдим этган мисолларини ва Марказий банк масъул ходимининг саволларга жавобидан хабардор бўлдингиз. Айрим саволлар очикроқ қолиб кетгандек кўринди. Имтиёзли кредитларни ажратиш жараёнини танқидий таҳлилдан ўтказиб, бу борадаги ишларни тақомиллаштириш мумкинми? Имтиёзли кредитлар фуқаронинг қўлига берилганда, қандай муаммолар юзага келади? Оширилган нархлар кредит олган фуқароларни, оилаларни янада қийинроқ вазиятга тушириб қўймайдими?.. Шу йўналишдаги саволларга малакали мутахассис ва мутаассадилардан кенгроқ жавоб олишга уриниб кўрамиз.

Тошкентер ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

"PLATINUM CREDIT PLUS" МЧЖ ломбардининг 01.01.2022 йил ҳолатидаги БАЛАНС ҲИСОБОТИ		Минг сўмда
АКТИВЛАР		711 391
1. Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари		20 073
2. Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар		505
3. Кредитлар		594 140
4. Асосий воситалар, соф		6 070
5. Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар		26 079
6. Кредит ҳисоб-китоблари давомида олинган активлар		0
7. Бошқа активлар		64 524
МАЖБУРИЯТЛАР ВА КАПИТАЛ		711 391
МАЖБУРИЯТЛАР		127 349
8. Тўланиши лозим бўлган кредитлар		72 020
9. Тўланиши лозим бўлган фоизлар		3 899
10. Бошқа мажбуриятлар		51 430
КАПИТАЛ		584 042
11. Устав капитали		500 000
12. Захира капитали		45 000
13. Беғараз олинган мол-мулклар		
14. Хайрия бадаллари ва грантлар		
15. Қайта баҳолашдаги ўзгартиришлар		
16. Жорий йил фойдасидан ҳисобланган дивидендлар		166 600
17. Тақсимланмаган фойда		-36798
18. Жорий йил фойдаси (зарар)		242 400

Молиявий натижалар тўғрисида ҲИСОБОТ

01.01.2022 йил ҳолатида

ҚЎРСАТКИЧЛАР	Минг сўмда
I. ФОЙЗЛИ ДАРОМАДЛАР	566 894
а. Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар	
б. Жисмоний шахсларга берилган кредитлар (микрo қарзлар) бўйича фоизли даромадлар	566 894
в. Бошқа фоизли даромадлар	
2. ФОЙЗЛИ ХАРАЖАТЛАР	60 662
а. Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фоизли харажатлар	60 662
б. Бошқа фоизли харажатлар	
I. З. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА ҚЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙЗЛИ ДАРОМАДЛАР	506 232
3. ФОЙЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	289 706
а. Хизматлар ва бошқа воситачилиқдан олинган даромадлар	
б. Бошқа фоизсиз даромадлар	289 706
4. ФОЙЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР	92 154
а. Қўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	92 154
б. Бошқа фоизсиз харажатлар	
II. Соф фоизсиз даромадлар	197 552
III. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ Фойда	703 784
5. 7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР	416 891
а. Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	340 539
б. Ижара ва таъминот харажатлари	49 414
в. Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	
г. Маъмурий харажатлар	6 364
д. Эскириш харажатлари	1 626
е. Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар	18 948
IV. Фойда СОЛИҒИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ Фойда	286 894
а. Фойда солиғини баҳолаш	44 454
V. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН Фойда	242 440
а. Қўзда тутилмаган даромадлар ёки зарарлар, соф	
б. Соф фойда (зарар)	242 440

ORAMIZDAGI ODAMLAR

t.me/uzbekiston_ovozi | facebook.com/uzbekistonovozi | instagram.com/uzbekiston_ovozi | info@uzbovozi.uz | www.uzbovozi.uz

Ниҳоят, 4 кун деганда мақола учун қаҳрамон топилди. Тошкент шаҳар ободонлаштириш бошқармаси Чилонзор туманига йўналтирди. Икки ҳамкасбим билан йўлга отландик. Телефон орқали тушунтирилган манзилга етиб борганимизда бир кўлида супурги билан ёшлари олтмишларда бўлган аёл қарши олди. Салом-алиқдан кейин шовқин камроқ жойга ўтдик.

Диктофонимни ёқарканман, "Рўмолларимни тўғрилаб, чиройли қилиб ўраб олай?" деди ўзини Маҳсума Амирова деб таништирган онахон. (Камерамиз йўқ, лекин онахон барибир рўмолларини тўғрилашни истадилар.) Опа бироз ўзини тартибга солиб олгач, суҳбатимиз бошланди. Табиийки, аввало, яқинроқ танишиб олдик.

57 ёш. Ярим асрдан кўпроқ вақт. Ўртача ҳисоблаганда бир инсон ҳаётининг учдан икки қисми ўтиб кетгани ва бу йиллар юзларида, танасида ўз изини қолдирганини англаш қийин эмас. Маҳсума опанинг юзларида, кўзларида ҳам ана шундай турмушнинг муштаридан қолган из бор эди.

Бир қиз ва уч ўғилни тарбиялаб, вояга етказган онанинг шукроналик сўзлари ҳам изтиробларини яширишга етарли эмасди, гўё. Бошидан ўтказганларини ошқора айтмаган бўлса ҳам ҳаёти осон кечмагани унинг ҳикоясидан маълум эди.



Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ олган сурат.

"САБР ҚИЛДИМ, ЭНДИ ШУҚР ҚИЛАМАН"

Маҳсума АМИРОВА, Чилонзор тумани ободонлаштириш бўлими 4-участка ходими:

— 10 йилдан буён шу ерда ишлаб келяман. Авваллари турли ишларни қилганман. «Ўрикзор»да ҳам бир муддат савдо қилдим. Нолмаيمان, ишимиз ёмон эмас. Лекин масъулиятни оғир. Яъни, доимий ишлайдиган муқим жойимиз йўқ. Кўчиб юришимизга тўғри келади. Бизнинг ишда эркак ва аёл, деган тушунча йўқ. Иш ҳаммага тенг тақсимланади. Вақти келганда эркаклар қиладиган вазифаларни ҳам бажариб кетаверамиз. Масалан, тўпроқни, махсустрасми, фарқи йўқ. Топшириқ берилса, бажаришимиз шарт. Қишин-ёзин ишимиз бир хил тартибда давом этади.

— **Хўп, шунча қийинчилиги бор экан, бу ишга ўтишингизга сабаб нима бўлган?**

— Фарзандларимни уйли-жойли қилиш учун, уларнинг келажаги меникидан яхшироқ бўлиши учун ишлашим керак эди. Лекин пенсия ёшига етишимга ҳам вақт қолгани учун мени ишга олишмади. Ана шу пайтда ободонлаштиришни тавсия

қилишди. Насибам қўшилган экан, шу ерданман.

Хар қанча қийинчилик бўлса ҳам сабр қилдим. Энди эса шукр қиламан. Фарзандларим оилали бўлди. 11 нафар набирам бор. Қизим 39 ёшда. Унинг ўғли 2-босқич талабаси. Икки ўғлим мебель ишлаб чиқариш цехида, кичик ўғлим эса автомобиль тузатиш устахонасида ишлайди. Ҳаммаси оилали. Тўғри, фарзандларимнинг олий маълумотли қила олмадик, лекин меҳнатдан қочмайдиган, ўзимизга ўхшаган сабр-қаноатли қилиб тарбиялашга уриндик. Шукрки, ортидан ҳеч ёмон гап эшитмадик.

Турмуш ўртоғим билан 40 йилдан бери яшаймиз. Ҳаётимизда яхши кунлар билан бирга қийинчиликлар ҳам кўп бўлди. Елкама-елка туриб, уларни енгиллашга ҳаракат қилганмиз. Алоҳида бўлиб чиққанмиз. Турмушнинг муштаридан сабр қилганмиз. Турмуш ўртоғим жигар церрози касалига чалинган. Ўзим эса қандли диабетни орттириб олганман. Биласизми, буларнинг барчасига ҳам шукр келтираман. Бошга тушганини кўз куради. Демак, сабр қилиш вазирамиз.

— **Сизларда ишлаш тартиби белгиланганми?**

— Эрталаб 7:00 дан 16:00 гача ишлашимиз белгиланган. Лекин салқинда тугатиб олиш учун соат 6 да иш бошлаймиз ва 4-5 гача давом этади.

Яна бир нарсани айтаман. Бизнинг соҳада тошкентликлар жуда кам. Масалан, бизнинг участкада 35 одам бўлса, шуларнинг 8 нафари шахарликлардир. Бунинг сабаби одамлар уялади. Ҳалол меҳнат қилиб, пул топишдан кўра, юзини беркитиб олиб тиланчилик қилишни афзал биладиганлар ҳам йўқ эмас. Чинозлик опа-сингилларимиз шунча масофадан Тошкентга қатнаб ишлайди. Уларнинг орияти бор, сабри бор. Шунинг учун озига ҳам қаноат қилади. Бировнинг эшигини тақилатмайди. Ҳеч кимдан ёрдам ёки бирор нарса кутмайди. Ўз кучига, меҳнатига ишонади.

Шунингдек, эркаклар ҳам кам. Тахминан 9-10 киши бор. Қолганлари аёллардан иборат. Шу сабабли ишимиздаги асосий юк аёлларнинг зиммасига тушади. Қизиғи, бир-биримиз билан лақиллаб ўтиришга

вақтимиз йўқ. Доим ёнма-ён ишлайдиганлар билан ҳам салом-алиқ қиламизда, дарров ҳудудни тақсимлаб, ишга уйнаймиз. Меҳнат қилиш, доим бирор юмуш билан банд бўлиш ҳар қандай ёмонликлардан сақлайди. Ҳалол меҳнат қилаётганларнинг ғийбатга, адоватга, ғайирликка вақти ҳам, хохиши ҳам бўлмайди.

Идорамиз яхши. Ойлигим кам бўлса ҳам, вақтида беришади. Ҳомиёрлар кўмаги келиб туради. 700 киши бўлса, шуларнинг ҳаммасига тенг бўлишига ҳаракат қилинади. Кимгадир ёғ, кимга шакар, яна кимга ун тегади. Бир-биримиздан хафа бўлиш, унга кўпроқ бўлиб қолди, деган ивголар қилиш йўқ. Аксинча, кимгадир етмай қолса, ўз улусимиздан берамиз.

— **Сабр ва шукр ҳақида кўп тўхталдингиз. Бугун орамизда ушбу тушунчалар қанчалик қадрланади?**

— Тўғриси айтсам, мен одамларни яхши ёки ёмон, деб баҳолай олмайман. Шунчаки сабрсизлик кўпайиб кетган. Қаноат қилиш, ҳар қандай қийинчилик ўткинчи эканини англаш учун одамнинг тарбиясида ана шу хислатлар бўлиши керак, деб ўйлайман. Сабаби, бизни онам сабрли бўлиш кераклигини ўқитиб катта қилган. Отам жуда ёш ўтиб кетгани боис, онамнинг ўзи ёлғиз бошига бизни улғайтирган.

Ёшларга ҳам доим сабрли бўлишнинг ажри, муқофоти борлигини ўқитираман. Ўз ҳаётимдан мисоллар келтираман. Пулсизликдан, ишсизликдан қийналганларимиз ҳақида гапириб, ажрини берман. Уч нафар келиним бор. Уларга доим сабрли бўлиш кераклигини, ҳар қандай қийинчилик ўткинчилигини тушунтираман. Бировнинг кўзига тик қарамаслик, озор бермаслик, дилини оғритмаслик кераклиги ҳақида на-сият қиламан. Чиройли муомала ва ҳаётнинг яхшилиги ҳақида на-сиятти енгиллаштиради, гўзаллаштиради.

Ўз вақтида қарз олди, бирага етказ-сак, иккинчисидан ваз кечимизга тўғри келди. Аммо ҳаммаси ўтди-кетди. Ҳозир фарзандларимнинг орқасидан раҳмат эшитаман, уларнинг роҳатини кўряпман. Аслида, ҳаётнинг мазмуни мана шунда, деб ўйлайман.

Одамларнинг нолиганини эшитамиз. Лекин ҳар кунни кўча супурганда ахлатга ташланган нонларни қўлимиз билан териб оламиз. Егуликлар, қўзи-овқатлар исроф бўлиб ётади. Ахир буларнинг уволи бор. Одамлар исрофдан ва унинг уволидан кўрқмай кўйди. Бундан хафа бўламан. Аммо ҳозирги ёшларга жуда ҳам ҳавасим келади. Бизнинг пайтимизда унақа имкониятлар йўқ эди ва бу ҳақиқат. Болаларни банд қилиш, спортга, тил ўрганишга йўналти-

риш учун шароитлар етарли. Фақат бироз ҳаракат ва хоҳиш бўлса бас.

— **Ҳаётингизда нималар ўзгаришни истардингиз?**

— Бу гапларимни ёзасизми, йўқми, билмадим. Лекин ойлигимиз кам. 1 350 000 сўм ойлик оламиз. Бу ҳам майли, ҳоҳлатимизга имконият йўқ. Қаерда салқинроқ жой топсақ, ўша ерда қорин тўйдириб оламиз. Доим елкамизда тушлигимизни кўтариб юрамиз. Одамлардек бемалол ўтириб, бир пиёла иссиқ чой ичиш орзусида кунларимиз кунларимизга уланади. Бу ҳам майли, ҳоҳлатимизга имконият йўқ. Умуман, меҳнат ҳуқуқимиз таъминланмаган.

Тошкент вилоятининг туманларидан келиб ишлайдиганлар бор. Уларга анча қийин. Йўлқира қилиб қатнайди. Тушлик қилиши керак. **Айрим ҳолларда уйимиздан кўтариб келган овқатларимиз тушликкача айниб қолади.** Шунда бир бурда нон билан қиёфаланамиз... Нолмайимиз. Барчасига шукр қиламиз. Касбимдан, қилаётган ишимдан уялмайман. Чунки ҳалол меҳнат қилиш, болаларимга ҳалол луқма едиришни ўйлаш куч бераркан, ички фахрлини туйғусини бағишларкан. Шу сабабли бу ерга ишга кирганимдан ҳечам афсусланмайман.

Лекин... Одамлар бизни менсимади. Ишимизни қадрламайди. Кези келганда, кўп қаватли уйлarning йўлакларини, атрофини тозалаймиз. Хонадон эгалари раҳмат айтиш ўрнига бизга қўпол муомалада бўлади. "Уйимни чангитдингиз", деб уришган ҳолатларни ҳам учрайди. Шундай бўлса ҳам индамай ишимизда давом этаверамиз. Ягона оламимиз одамларнинг хизматидамиз, камситилмас ҳам, сабр қилаймиз, ажрини бергучи Яратганга умид боғлаймиз. Баъзида ўйлаб қоламан, бизни ишлатаётганлар қадрлаганча, инсонлардан нима кутиш мумкин? Кўнгли экан-да. Бошқалар бизни одам ўрнида кўрса, дейимиз. Афсуски, улар озгина хурматини қизғонади. Чунки биз "жилет" дамиз-да...

Шу ерга келганда бутун суҳбат давомида кўзларига қалқиган ёшлар ташқарига қуйила бошлади. Шунда ҳам табассум қилишга уринаётган аёл матонатни, бардош, ҳаётга бўлган уюмидга тасанно айтдим. Ҳаёти давомидаги қийинчиликлар ҳақида гап кетганда намланмаган киприклар инсон қадри, меҳнатига яраша муносабатга келганда кўзлардан дувиллаб ёш оқа бошлади. Инсон қалби меҳрга, хурматга ва эътиборга ташналиги рост.

Бир муддат аёлнинг туйғуларини ҳис қилишга уриндим. Бугун қийинчиликлардан нолиётганлар, исрофгарчиликка йўл қўяётганлар, қаноатсизликни нарх-навога боғлаётганларни қаршимда турган аёл билан таққослаб бўлмасди. Назаримда, бугун кўпчилигимиз эътибор бермайдиган, кези келганда, менсимай қарайдиган бундай одамлар инсонийлик жиҳатдан баъзи биримизга қараганда анча юқори ўринларда эканига ишонч ҳосил қилдим.

Кетар чоғимиз расмларга тушдик. Уларнинг ишини бироз кузатдик. Суҳбатдошимизни шу аснода ҳам саволга тўтдик. Унинг айтишича, битта супурги хўллаб, сувга ботириб ишлатилса, бир ҳафтага етаркан. Бўлмаса 4 кунда янгилаш лозим. Ўртача бир ойда 5 та супурги ишлатган опанинг 10 йиллик сарфи 600 та бўларкан. Аммо 10 йилда Маҳсума Амирова каби инсонлар тозаллаган ва супурган жойлари бутун пойтахт ҳудудича чиқиб қолса керак.

"Ўзбекистон овози" муҳбири Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

ЭЪЛОН

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ

Мижоз ҳақида

Таъсис ҳужжатларига мубофиқ тўлиқ номи: "FARHOD LOMBARD" МЧЖ ломбард. Юридик манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 6-даҳа, 51-уй, 1-хонадон. Тел.: (99871) 278-11-99. Банк ва бошқа банк маълумотлар: Асосий ҳисоб рақам: 20216000705304541001; АТИБ "Ипотека банк" Меҳнат филиали. МФО 00423, ИНН: 3079022708, ОКЕД 64190

Аудиторлик ташкилоти ҳақида

Аудиторлик ташкилоти: «FTF-LEA-AUDIT» МЧЖ. Юридик ва почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Олмазор массиви, 8/1/2, аудиторлик лицензияси: № 00747, берилган сана: 01.04.2019. 2022 йил 18 январдаги № 22-040-сонли аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мубофиқ «FARHOD LOMBARD» МЧЖ ломбардининг 2021 йил 31 декабрда яқунланган йил учун молиявий ҳисоботлари

* 1-сонли шакл "Баланс";

* 2-сонли шакл "Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" шакллардан иборат бўлган ҳолда аудиторлик текшируви амалга оширилди.

Фикр.

Биз «FARHOD LOMBARD» Lombard МЧЖнинг бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, балансга эслатмалар ва 2021 йил 31 декабрда яқунланган йил учун молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан иборат илова қилинган молиявий ҳисоботларини, шунингдек, бухгалтерия сиёсатининг муҳим жиҳатлари тўғрисидаги маълумотларни ва бухгалтерия ҳисобининг бошқа эслатмаларини текширдик. Бизнинг фикримизча, илова қилинган молиявий ҳисоботларда «FARHOD LOMBARD» МЧЖнинг 31 йил 2021 декабрдаги молиявий ҳолати Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига (БХМС) мубофиқ яқунланган ва ушбу талабларга мос келади. Аудит текшируви аудит халқаро стандартларига (АХС) мубофиқ ўтказилди.

Молиявий ҳисобот учун менежмент ва корпоратив бошқарув учун масъул шахсларнинг жавобгарлиги.

Жамият раҳбарияти ушбу молиявий ҳисоботни БХМСга мубофиқ тайёрлаш ва ишончли тақдим этиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблаган ички назорат тизими учун жавобгар бўлади. Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият ташкилотнинг ўз фаолиятини доимий равишда давом эттириш қобилиятини баҳолаш, фаолиятнинг узлуксизлиги билан боғлиқ маълумотларни ошқор қилиш ва фаолиятнинг узлуксизлиги тўғрисидаги тахмин асосида ҳисобот бериш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисоботларнинг текшируви учун аудиторнинг жавобгарлиги.

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботда виждонсиз ҳаракатлар ёки хатолар туфайли жиддий бузилишлар мавжуд бўлмаслиги ва бизнинг фикримизни ўз ичига олган аудиторлик ҳулосасини чиқариш тўғрисида оқилона ишонч олишдир. Халқаро аудит стандартларига мубофиқ ўтказилган аудит доирасида биз профессионал фикрни қўллашимиз ва қуйидагиларни бажарамиз:

* адолатли бўлмаган ҳаракатлар ёки хатолар туфайли молиявий ҳисоботларнинг жиддий бузилиш хавфини аниқлаш ва баҳолаш; ушбу хатоларга жавобан аудит процедураларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; биз ўз фикримизни билдириш учун асос бўлиб хизмат қилиш учун етарли ва тегишли бўлган аудиторлик далилларини оламиз.

* қўлланиладиган ҳисоб сиёсатининг тўғри хусусиятини ва бухгалтерия ҳисобининг ҳақиқийлигини ва раҳбарият томонидан тайёрланган маълумотларнинг тегишли ошқор этилишини баҳолаймиз;

* биз молиявий ҳисоботни умуман тақдим этишни, унинг тузилиши ва мазмунини, шу жумладан, ахборотни ошқор қилишни, шунингдек, молиявий ҳисоботнинг асосий операциялари ва ҳодисаларини уларнинг ишончли тақдим этилишини таъминлаш учун баҳолаймиз.

* молиявий ҳисобот тўғрисида фикр билдириш учун ташкилотнинг молиявий маълумотлари ва ташкилот ичидаги ҳужжатли фаолият тўғрисида етарли даражада аудиторлик далилларини оламиз. Биз ташкилотнинг умумий бошқаруви, назорати ва аудитини ўтказиш учун жавобгармиз.

(Эълон матни учун эълон берувчи жавоб беради.)

"FARHOD LOMBARD" МЧЖ нинг 01.01.2022 йил ҳолатидаги БАЛАНС ҲИСОБОТИ

АКТИВЛАР	минг, сўмда
1. Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари	601 172
2. Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар	34 068
3. Кредитлар	-
4. Асосий воситалар, соф	534 540
5. Олинмиш лозим бўлган ҳисобланган фоизалар	9 572
6. Кредит ҳисоб-китоблари давомида олинган активлар	22 201
7. Бошқа активлар	-
МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ	791
МАЖБУРИЯТЛАР	8 966
8. Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар	5 455
9. Тўланиши лозим бўлган фоизалар	-
10. Бошқа мажбуриятлар	3 511
КАПИТАЛ	592 206
11. Устав капитали	514 050
12. Захира капитали	-
13. Беғараз олинган мол-мулклар	-
14. Хайрия бадаллари ва грантлар	-
15. Қайта баҳолашдаги ўзгартиришлар	-
16. Жорий йил фойдасидан ҳисобланган дивидендлар	-
17. Тақсимланмаган фойда	-10482
18. Жорий йил фойдаси (зарар)	88 638
Молиявий натижалар тўғрисида ҲИСОБОТ	
01.01.2022 йил ҳолатида	
КЎРСАТКИЧЛАР	минг, сўмда
1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	206 474
а. Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар	-
б. Жисмоний шахсларга берилган кредитлар (микрo қарзлар) бўйича фоизли даромадлар	206 474
в. Бошқа фоизли даромадлар	-
2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР	-
а. Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фоизли харажатлар	-
б. Бошқа фоизли харажатлар	-
3. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР	206 474
а. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	38 286
а. Хизматлар ва бошқа воситачилиқдан олинган даромадлар	-
б. Бошқа фоизсиз даромадлар	38 286
4. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР	15 526
а. Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	15 526
б. Бошқа фоизсиз харажатлар	-
III. СОФ ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР	22 760
III. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА	229 234
5. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР	91 597
а. Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	40 656
б. Ижара ва таъминот харажатлари	32 796
в. Хизмат сафари ва транспорт харажатлари	-
г. Маъмурий харажатлар	11 140
д. Репрезентация ва хайрия	2 355
е. Эскириш харажатлари	973
ж. Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар	3 677
IV. ФОЙДА СОЛИГИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА	137 638
а. Фойда солигини баҳолаш	21 000
в. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА	116 638
а. Кўзда тутилмаган даромадлар ёки зарарлар, соф	-
б. Соф фойда (зарар)	116 638

SPORT

+34 Корақалпоғистон Республикаси Хоразм

+35 Бухоро Навоий

+34 Тошкент Самарқанд Жиззах Сирдарё

+37 Қашқадарё Сурхондарё

+33 Андижон Наманган Фарғона

+36 Тошкент шахри

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

ИККИТА ФИНАЛ КЕРАК



ШУ КҮНЛАРДА ЮРТИМИЗ КАТТА ФУТБОЛ БАЙРАМИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛМОҚДА. НАМАНГАН ШАҲРИДА ОСИЁ КУБОГИГА САРАЛАШ ҲАҚИДА ҲАМ ТАЪМИНЛАНАДИ

Миллий терма жамоамиз иштирок этаётган Осие кубогига саралаш ўйинлари 8 июндан старт олди. Футболчиларимиз Шри-Ланка, Малдив ороллари ва Таиланд билан баҳс олиб бориши керак эди. Шулардан қайси жамоа гуруҳда биринчи ўринни қўлга киритса, мусобақа йўлланмасига эга бўлади. Бир йилдан бери расмий ўйинларда майдонга тушмаётган термаимиз ўйинлари мухлислар соғинишгани бор гап. Биринчи турдаги Шри-Ланкага қарши баҳсда «Навбахар» ўйингоҳи мухлисларга тўлди. Бош мураббий бу ўйинда асосий таркибнинг барча аъзоларини майдонга туширди. Қўлтигандек термаимиз ҳужумга эътиборни қаратди. Бироқ, рақиб дарвозаси олдидаги хавфли вазиятларнинг кўпи ҳавога соғирланди. Биринчи таймда кучсиз жамоа устидан биринчи гол эвазига ғалаба эришган миллий жамоамиз иккинчи таймда иккита гол уриб, ишқибозларнинг бироз бўлса-да кўнглини кўтарди.

Иккинчи турда Малдив ороллари Элдор Шомуродовнинг урган учта голи ва Остон Ўрунов томонидан киритилган гол эвазига мағлуб этилди. Охириги ўйин Таиланд термасига қарши ўтказилди. Сечко Катанец шогирдларининг икки ўйинидан сўнг мухлислар орасида бош мураббий ва

футболчиларга нисбатан яна нозилик кайфияти туғилди. Бунда мухлислар янги мураббийнинг келиши ҳам терма ўйинида ҳеч қандай ўзгариш содир этмаган, дея баҳолашмоқда. Ушбу саралаш баҳсларида жамоамиздан нисбатан кучсиз термалар йиғилганини инobatга олсак, терма ўйинидан ҳали умумий ҳулоса чиқаришга эртарокдек.

У-23. Ўзбекистон. «Пахтакор». Тош бўрон остида ўтган ўйин. 11 июнь куни пойтахтимизда жойлашган «Пахтакор» стадионида қандай воқеалар юз берганини футболга эътиборсиз бўлмаганлар аллақачон билиб улгурди. Шу кун Ироққа қарши майдонга тушган Темур Кападзе бошчилигида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бутун Ўзбекистонга футбол байрамини қайтарди. Уша кунни хар ёқда «Оле, оле, оле! Ўзбекистон чемпион!», деган овозлар янграшдан тинмади. 30 мингдан ортиқ мухлисни яқин тарихимизда биринчи бор бағрига сиғдирган «Пахтакор» стадионида ёшларимиз ажойиб ғалабани қўлга киритди. Ўйиннинг бошидаги қизил карточка ва ироқликлар фойдасига белгиланган пенальти. Менимча, ҳаммаси шундан сўнг бошланди. Ун бир метрлик нўқтадан гол уришга эришгандан сўнг ироқлик футболчилар мухлисларнинг ға-

забига учради. Трибунадагилар стадионга ҳар хил катталиқдаги тошларни ота бошлашди. Телевизордан узатилаётган жонли эфир вақтида ҳатто фото мухбир ва операторларнинг майдонга югуриб чиқиб кетишганига кўпчилик томошабинлар гувоҳ бўлишди. Мана шундай ҳодисалар ортидан икки кун аввал бир журналист ва унинг оператори калтаклангани ҳақида хабарлар ижтимоий тармоқларни портлатди.

Шу кун Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ироқли ғалабани қўлга киритди. Ёшларимиз учрашув давомида бир киши кам бўлиб қолишига ва ҳисобда орда

Жамшидбек АМИРОВ.



„БАҲОР“ ЯНА ГАСТРОЛЬ САҒАРЛАРИНИ БОШЛАДИ



«Баҳор» давлат рақс ансамбли Москва шаҳрида гастроль сафарига бўлиб қайтди. Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ҳомийлигида ташкил этилган концерт дастури Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон халқ артисти Зиёда Мадррахимова томонидан тузилди. Унда машҳур «Баҳор» давлат рақс ансамбли асосчиси Мукаррама Турғунбоева томонидан сахналаштирилган «Баҳор вальси», «Катта ўйин», «Баёт» каби бир қатор рақс асарлари ижро этилди.

Концерт дастурида ансамблнинг музикий раҳбари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, «Маданият ва санъат фидокори» кўкрак нишони соҳиби Маҳаммадхон Шакиров бошчилигидаги музикий гуруҳнинг жонли ижроларига алоҳида ургу берилди...

Бу йил машҳур «Баҳор» давлат рақс

ансамблининг тузилганига 65 йил бўлди. Ўз даврида қарий 60 та давлатда концерт дастурлари билан сахналарни забт этган устозларнинг ишини давом эттираётган ёшларимизга омад тилаймиз.

«Баҳор» давлат рақс ансамбли раққоса қизлари, созандалари ва фахрийлари Ўзбекистон халқ артисти, балетмейстер, раққоса Мукаррама Турғунбоева томонидан таваллуд айёми муносабати билан ёдга олишди. Фахрийлар ва бугунги кунда ансамблда ўз ижодий фаолиятини давом эттираётган ижодкорлар Мукаррама Турғунбоеванинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ёшларга сўзлаб бердилар.

Мукаррама Турғунбоева пойига гулчамбарлар қўйилди. Шунингдек, Чигатой қабристонига дафн этилган Уста Олим Комилов ва Тамарахонимнинг қабрлари ҳам зиёрат қилинди.

БИЛАСИЗМИ?



Кексалар бепул дори билан таъминланади

Қонунчиликка кўра:

— ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳар йили бир мартаба санаторийларда бепул соғломлаштирилади;

— шароити оғир ва кам таъминланган кексаларга рецептга асосан 3 ойлик эҳтиёж асосида дорилар, тиббий ва махсус протез-ортопедия мосламалари олиб берилди ҳамда жарроҳлик амалиётларининг харажатлари қопланади;

— оғир ташхисли касал ҳамда ногирон кексаларга шифокорлар рецептларига мувофиқ, 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситаларининг 50 фоизига суммаси компенсация қилинади;

— кексаларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун абонемент харажатлари қопланади;

— давлат театрлари ва музейларига кексалар учун чипта нархлари тўлиқ қоплаб берилди.



Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга 50 фоиз кўпроқ стипендия берилди

Қонунчиликка кўра, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар давлат боғчалари ва мактабларга навбатга қўйилмасдан жойлаштирилади.

Уларга техникум, коллеж, академик лицей ёки ОТМда ўқиётганда ҳар ўқув йилида 1 мартаба ўқув, илмий ва бадиий адабиётлар (китоблар) харид қилиш учун БХМнинг 5 баравари (1 млн. 500 минг сўм) миқдорида субсидия берилди.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ўқишни давлат ОТМларида давом эттирганда уларга стипендия 50 фоизга оширилган ҳолда тўланади.



Оналик билан боғлиқ имтиёزلар онасиз болаларни тарбиялаётган оталарга ҳам татбиқ этилади

Аёлларга оналик билан боғлиқ ҳолда бериладиган кафолатлар ва имтиёزلар (тунги ишларга ва иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб этишни ва хизмат сафарларига юборишни чеклаш, шунингдек, қўшимча таътиллари бериш, имтиёзли иш режимларини ўрнатиш ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган бошқа кафолатлар ва имтиёزلар), онасиз болаларни (она вафот этган, оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилган, узок вақт даволаш муассасаларида бўлган ва болалари тўғрисида она сифатида ғамхўрлик қилмаган бошқа ҳолларда) тарбиялаётган оталарга, шунингдек, вояга етмаган болаларнинг васийларига (ҳомийларига) ҳам татбиқ этилади.

t.me/huquqiyaxborot

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб

Кадрлар тайёрлаш ўқиш муддати 3 йил бўлган бакалаврият таълим дастурлари асосида амалга ошириладиган педагогик таълим соҳасининг айрим бакалаврият таълим йўналишлари рўйхати

- Музыка таълими
- Жисмоний маданият
- Технологик таълим
- Чақириққача ҳарбий таълим
- Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
- Мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия ва спорт

@huquqiyaxborot

Биринчи чангютгичлардан бири Сиэменс томонидан ишлаб чиқарилган Элмо. 1906 йил.

“АСАКАБАНК” АЖ СЕРГЕЛИ ФИЛИАЛИ МИЖОЗЛАРИ ВА ҲАМКОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Asakabank

“Асакабанк” акциядорлик жамияти Сергели филиалининг (МФО 00958) фаолияти тугатилиши ва “Асакабанк” акциядорлик жамияти Пойтахт филиали (МФО 00416) бирлаштирилиши муносабати билан Сергели филиалининг банклар ва миқозлараро барча операциялари 2022 йилнинг 18 июлидан тўхтатилади.

“Асакабанк” АЖ Сергели филиали Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси томонидан 2000 йил 13 мартда 53/21-рақам билан давлат рўйхатига олинган.

Шу муносабат билан кредиторлар ва омонатчиларнинг аризалари ҳамда эътирозлари газетада ушбу эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.

“Асакабанк” АЖ ўз миқозлари ва ҳамкорлари ишончини юксак кадрлайди ҳамда ҳамкорлигини ўз ичига миннатдорчилик билдиради!

Тугатиш комиссияси манзили: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Обихаёт кўчаси, 39-уй. “Асакабанк” АЖ Сергели филиали.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: 78-147-65-65 (22-22), колл марказ: 11-52

MUASSIS:

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV Muslihidin MUHIDDINOV
Ulug'bek VAFOYEV Hayotxon ORTIQBOYEVA
Maqsuda VORISOVA Shuhrat ISLOMOV
Qalandar ABDURAHMONOV Toshtemir XUDYOQULOV
Guliston ANNAQILICHEVA

XDP
XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Telefonlar: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonani manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**
Sahifalovchi: **Bezkod ABDUNAZAROV**

Г — 641. 2010 nusxada bosildi. O'za yakuni — 21:50.
Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqti — 00:15

t — Tijorat materiallari 1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda